



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК (1991-2016 йиллар)

Холбеков Мұхаммаджон,

Жиззах давлат педагогика институты профессори

Калим сўзлар: таржима, таржимашунослик, адабиёт, асар, илмий мақола, роман.

Жаҳон цивилизацияси тарихида XX аср – “таржима асри” (П.-Ф. Кайе) деган ном олди. Нафсијамбр, минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек таржимачилиги ҳам ўтган асрда мисли қўрilmаган натижаларга эришиди, жаҳон адабиётининг шоҳ асарлари билан халқимизни таништириди. Аср давомида Чўлпоннинг Шекспир (“Хамлет”)дан, Усмон Носирнинг Лермонтов (“Демон”)дан, Ойбекнинг Пушкин (“Евгений Онегин”)дан, Эркин Воҳидовнинг Гёте (“Фауст”)дан, Абдулла Ориповнинг Данте (“Дўзах”)дан, Қодир Мирмуҳамедовнинг Ҳомер (“Илиада”)дан қилган таржималари адабиётимиз тарихида муҳим воқеалар бўлди, қолаверса, юқоридаги асарларнинг тилимиздаги барқарор таржималарига айланди.

XX асрнинг иккинчи яримига келиб бадиий таржима тушунчаси ёнида илмий таржима, машина таржимаси, синхрон таржима каби янги йўналишлар пайдо бўлди. Муҳими, таржима асарларининг сифат даражасини аниқловчи, унга баҳо берувчи таржима назарияси фани юзага келди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларига келиб республикамиз олий ўкув юртларининг филология ва журналистика факультетларида таржима назарияси ва амалиёти курси ўқитила бошланди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қошида бадиий таржима секцияси, Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтида таржима назарияси сектори, Тошкент давлат университети (хозирги ЎзМУ) да таржима назарияси кафедраси фаолият кўрсата бошлади. Хуллас, кўп ўтмай Ўзбекистонда ҳам собиқ иттифоқ ва хорижий мамлакатлардаги таржима ва таржимашунослик марказлари билан

рақобат қила оладиган таржимачилик мактаби майдонга келди. Ҳатто, ЮНЕСКО тассарруфидаги ФИТ (Халқаро таржимонлар федерацияси) симпозиумларида ҳам ўзбек таржима ва таржимашунослик мактаби ҳақида илиқ фикрлар билдирилди¹.

Мустақиллик бадиий ижоднинг барча жабхалари каби таржимага ҳам кенг йўл очди, таржимон ва таржимашуносларимиз учун жаҳонга чиқиш имкониятлари яратилди. Ўтган йигирма беш йил ичидаги ижоднинг тасвирий санъат, мусиқа ва қўшиқ турлари бўйича жаҳон майдонига чиқдик, десак муболага бўлмайди. Аммо юксак бадиий ва таржима асарлари яратиш борасида жаҳон адабий жараёнидан ҳали ўз ўрнимизни топа олганимизча йўқ. Пировард натижада бой тажриба ва имкониятларга эга бўлган таржимачилигимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида бир қадар турғунлик даврини бошидан кечирди. Демокчиманки, бу йилларда таржимашуносларимиз ФИТнинг Москва (1993), Лондон (1995), Геттинген (1996), Мельбурн (1998), Ванкувере (2002), Тампере (2005) конгрессларида иштирок қилмади ёки таржиманинг назарий муаммоларига бағишлиланган йирик монографик тадқиқотлар (Қ.Мусаевнинг “Таржима назарияси асослари” (2005) ва Б.Илёсовнинг “Искусство поэтического перевода” (2007) монографиясини ҳисобга олмагандан) яратишмади. Ёзувчилар уюшмаси қошидаги таржима секциясининг йиллик ҳисоботлари ҳам ўзининг олдинги ижодкорлик шижаатини йўқотди.

¹ Каранг.: Babel. Revue internationale de la traduction. Vol. XXIV, 1978, № 3-4, p. 144-149.



Ваҳоланки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Республикаизда ўз фаолиятларини бошлаган Франция, Германия, Англия, АҚШ, Хиндистан элчихоналари ютида машҳур бўлган қаламкашлар асарларини ўзбек тилига таржима қилириш, ўзбек мактаблари учун инглиз, немис, француз, ҳинд тилларидан дарслик ва лугатлар яратиш ташаббуси билан чиққандилар. Айниқса, бу соҳада Германия элчихонаси қошидаги Гёте институти, Франция элчихонаси хузуридаги Марказий Осиё тадқикотлари институти ва Виктор Гюго марказларининг ташаббускорлик фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Масалан, Тошкентдаги Франция элчихонасининг кўмаги билан ўтган йиллар ичida француз адабаридан Вольтернинг “Задиг”, Ф.Мориакнинг “Илонлар чангалида”, Монтескьёнинг “Форс номалари”, Ле Клезионинг “Мондо ва бошқа ҳикоялар”, Шарл Перронинг “Эртаклар” китоби ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди.

1997 йил муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил қилиниши катта воеа бўлди. Ўтган ўн саккиз йил давомида журнал ўзбек ўқувчиларини жаҳон адабиёти намуналари билан таништиришда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда атоқли адабиётшунос ва моҳир таржимон, устоз Озод

Шарофиддиновнинг ташаббускорлигини эслаб ўтмоқ жоиздир. Домла ҳаёт пайтида журналнинг мундарижаси ва мазмунига алоҳида эътибор берган, унда босилаётган таржима ва мақолаларнинг сифатига талабчанликни оширган, катта масъулият билан қараган эдилар. Шу боис, ўтган йилларда журнал жаҳон адабий жараённида кечеётган муҳим ўзгаришлар, авангارد оқим ва мактаблар, шунингдек таржима амалиёти ва назариясига доир теран мазмунли мақолаларни эълон қилиб борди, унинг саҳифаларида дунё адабиётида ном қолдирган, бугунги адабий жараёнда яловбардорлик қилаётган, қолаверса

адабиёт соҳасида халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган адаблар асарлари таржималарини мунтазам бериб келмоқда.

Зоро, бугунги ўқувчи инглиз адабиётидан Жон Голсуорси, Соммерсет Моэм, Томас Стернз Элиот, Ричард Олдингтон, Олдос Хаксли, Ивлин Во, Айрис Мёрдок; америка адабиётидан Уильям Фолкнер, Эрнест Хемингуэй, Жон Стейнбек, Ричард Райт, Жон Апдайк, Дейвид Сэлинджер, Уильям Стайрон; француз адабиётидан Гийом Аполлинер, Марсель Пруст, Андре Жид, Антуан де Сент-Экзюпери, Альбер Камю, Франсуа Мориак, Натали Саррот, Клод Симон, Жан-Мари Гюстав Ле Клезио, Патрик Модиано, немис адабиётидан Томас Манн, Лион Фейхтвангер, Арнольд Цвейг, Бертолт Брехт, Герман Гессе, Генрих Бёлль, Криста Вольф, Гюнтер Грасс; шунингдек, Хорхе Луис Борхес, Габриель Гарсия Маркес, Умберто Эко, Хулио Кортасар, Алеҳо Карпентьер, Кадзуо Исигуро, Мо Янь, Лао Шэ, Харуки Мураками асарларининг таржималарини ўқишига мұяссар бўлди. Гегель, Кьеркегор, Ницше, М.Бахтин, Р.Барт, Хоце Орtega-и-Гассет, М.Хайдеггер, А.Ф. Лосев кабиларнинг адабиёт ва адабий жараён ҳақидаги фикрлари билан журнал орқали танишиб келмоқда.

Яна бир гап. Журнал саҳифаларида асосан хорижий адаблар асарларининг рус тилидаги нашрларидан тилимизга ўғирилган таржималар чоп этиб келинмоқда. Зоро, бундан буён “Жаҳон адабиёти” бевосита аслиятдан қилинган таржималарни тарғиб қилувчи нашрга айланмоғи зарур. Масалан, ўтган йилларда журналда ўрта аср француз шоири Франсуа Вийон, инглиз ва америка романтизм шеърияти яловбардорлари Жорж Байрон ва Эдгар Аллан По ижодидан намуналар берилди. Аслият ва русча таржима матнларидан бехабар ўқувчи юқоридаги таржималарни ўқиб, Вийон, Байрон, Эдгар Аллан По аслида шундай ёзган эканда, деган тушунча ҳосил



қилишди. Бироқ, бу таржималарни асл нусха ва русча таржима матнлари билан солиширганимизда, шоир-таржимонларимизнинг нечоғлик эркин ҳаракат қилганликларини, натижада асл нусхадан нақадар узоклашиб кетганликларини кузатамиз. Тўғри, шеърият таржимасида таржимон муаллифнинг рақибига айланади, деган нақл бор. Бу дегани таржимон она тилида асл нусха матнига ҳамоҳанг шеър ёзса бўлди-да, қабилидаги тушунчани бермайди.

Масалан, Эдгар Понинг “Буюк Темур” (Tamerlan, 1827) поэмаси рус шоири Валерий Брюсов таржимасида қуйидагича жаранглайди:

Заката сладкая усада!
Отец! я не могу признать,
Чтоб власть земная - разрешать
Могла от первой казни ада.
Куда пойду за гордость я
Что спорить нам: слова пустые!
Миразиз Аъзам бу парчани шундай таржима қиласди:

Таскин, жонтаслимин
енгиллатолмас.
Отахон, шу топда юпатии нега?
Сизнинг бу, Ердаги сўзлар келмас бас
Жаҳаннамнинг одил жазоларига.
Биламан, дўзахбон такаббурлигим,
Кўйинг, ўғит берманг, мени кўп
қўйнаб.

Ёки, француз шоири Франсуа Вийоннинг “Блуадаги мушоира ҳақида ҳикоят” (Ballade du concours de Blois, 1457) балладасини Илья Эренбург таржимасида ўқийлик:

От жажды умираю над ручьем;
Я плачу от любви, смеюсь от пеней;
Я всюду дома, - мой же темный дом
Страна изгнанья, скорби и
томлений;
Мне темен свет, ясны и близки тени;
Мне из людей всего понятней тот,
Кто лебедицу вороном зовет;
Я сомневаюсь в явном, верю чуду;
Нагой как червь, пышиней я всех
господ;

Я всеми принят, изгнан отовсюду.
Хусниддин Шарипов бу сатрларни қуйидагича таржима қилган:

Ташна ўлмоқдаман дарё бўйида.
Куламан ёш тўкиб, ўйнаб ишлайман.
Уйим бор дунёнинг ҳар бир қуйида,
Ўз юртимда эса инсиз қуидайман.
Ростга ишонмаган ёлгон
туидайман.
Менга маъқул ҳатто, қотирмай
энса,
Оққуши қарга деб айтган кимса,
Ҳа, шундай, жонидан айрилган
жонман.
Чувалчанг сингари юпун ва инжаса,
Ҳар ердан қувилган азиз инсонман.

Инглиз шоири Жорж Байроннинг “Ўттиз олти ёшга тўлган таваллуд кунимда” (On this Day I complete my Thirty-sixth year, 1824) шеъри З.Морозкина таржимасида бундай жаранглайди.

Других не властный волновать,
Я сам бессстрастен должен быть.
Но и без отклика, опять
Хочу любить.

Таржимон Абдул Ҳамид юқоридаги мисрани қуйидагича ўгирган:

Кундан-кунга яқин интиҳо,
Эсар фасли хазон еллари
Қаро қабр кутар оч, юҳо,
Бағримда тек армон унлари.

Шоирлар Миразиз Аъзам ва Хусниддин Шарипов ўз таржималарини рус тилидан қилганликларини ёзган бўлсалар, Абдул Ҳамид таржимани қайси тилдан қилганини айтмаган. Ҳар учала таржима ҳам асл нусха ўрнидаги русча матндан нақадар узоклашиб кетгани кўриниб турибди. Биз, балки Абдул Ҳамид ўз таржималарини аслиятдан қилганмикин, деган фикрга бориб, юқоридаги тўртликни инглиз тилидаги матн билан солиширдик. Бироқ, унинг инглизча матндан ҳам йироқлиги яққол кўринади. Инглизча матнда ҳам шеър худди русча таржимадаги мазмун ва кўринишга эга:

It is time this heart should be unmoved,
Since others it hath ceased to move:
Yet, though I cannot be beloved,



Still let me love!

Хулоса шуки, эндиликда бевосита аслият тилидан таржима қилишга ўтмоғимиз керак. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида илк бевосита таржималар пайдо бўлганди. Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” ва Бруно Апицнинг “Қашқирлар чангалида” романлари Янглиш Эгамова, “Фарбу Шарқ девони” Садриддин Салимов, Виктор Гюгонинг “Шарқ куйлари” тўплами Шарофат Ботирова, Ф.Гарсиа-Лорканинг “Энг қайғули қўшиқ” тўплами Шавкат Раҳмон томонидан бевосита аслиятдан таржима қилинганди. Шунингдек, шоирларимиз Жамол Камол ва Абдулла Шер ҳам Шекспир ва Байрон драмаларини таржима қилишда аслиятдан имкон қадар фойдаланиб иш кўрган эдилар. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, бу бошланган хайрли иш жуда суст давом этди назаримизда. Ваҳоланки, таржимашунос Зухриддин Исомиддинов сўзи билан айтганда, “чет эл адабиётидан таржима қилиш энг авж оладиган замон келганди.”

Нафсиамбр, Жаҳон тиллари университети ва Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг таржимонлик факультетларида таржимон-филолог ва таржимон-референт йўналишлари бўйича бакалавриатура ҳамда магистратуралар мавжуд. Сўнгги ўн беш йил ичida уларни юзлаб ёшлар битириб чиқди. Улар орасидан етишиб чиққан фидоий таржимон ва таржимашунослар нари борса тўрт-бештани ташкил қиласди, холос. Сабаби нимада? ЎзДЖТУ таржимонлик факультети собиқ декани Носир Қамбаровнинг маъқуллашича, бунинг сабаби “чет тилларидан ўзбек тилига таржиманинг назарий муаммолари тўлиқ ёритилмаганида, дарслик ва қўлланмалар ёзилмаганидадир”. Домланинг гапида жон бор. Шу пайтгача республикамида хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима

амалиётидан сабок берувчи биронта дарслик чоп этилмади².

ЎзДЖТУ ва СамДЧТИ таржима факультетларида Иброҳим Гофуров, Низом Комилов, Жамол Камол, Муҳаммад Али, Абдулла Шер, Махкам Махмудов, Янглиш Эгамова, Шоазим Мунавваров, Сувон Мели, Мирзаали Акбаров, Зухриддин Исомиддинов сингари моҳир таржимон ва таржимашуносларни маъруза ўқишига, магистирлик диссертацияларига раҳбарлик қилишга жалб этишса, бу тажрибали олимлар хорижий тилларни билувчи магистрантлар билан дарслик ва қўлланмалар ҳам ёзишган бўларди. Шу ўринда, қатор йиллар ЎзМУ ва ЎзДЖТУда таржима назарияси ва амалиётидан талабаларга сабок берган Иброҳим Гофуровнинг “Таржимонлик мутахассислигига кириш”³ ўкув қўлланмасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан ўн йил муқаддам, давра сұхбатларининг бирида таникли адабиётшунос Сувон Мели шундай деганди: “Мана, янги XXI асрнинг дастлабки етти йилини босиб ўтдик. Ўжар бир савол кўндаланг туради: янги асрда ўтган асрда эгаллаган чўққиларни эгаллай оламизми? Ваҳоланки, эгалланган чўққиларни қайта эгаллаш у қадар завқ бермайди. Вазифа – шу юксакликка таянган ҳолда янги чўққиларни забт этиш лозим”⁴. Дарҳақиқат, бу ижодий муваффакиятларга эришувда таржиманинг роли нақадар бекиёслиги ўз-ўзидан маълум. Қолаверса, бугунги кунда таржима тиллароро ва маданиятлароро мулоқотнинг асосий омилларидан бири ҳисобланмокда. Бир сўз билан айтганда, “таржима миллатни жаҳонга танитади”, халқаро глобаллашув жараёнида бевосита иштирок этишимизга кенг йўл очиб беради. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

² Muminov O., Sunnatov O. Translation history. Tashkent, 2004. – 134 p. кўлланмасини хисобга олмаганда.

³ Гофуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. Ўкув қўлланма.- Тошкент: 2008. – 117 б.

⁴ Каранг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2004, 30-март.



“Шекспир бепоён...” деган ҳикмат бор. Бу калима буюк немис шоири Иоханн Вольфганг Гёте қаламига мансуб. Дарҳақиқат, инглиз уйғониш (ренессанс) даври адабиёти ва театр санъатининг улуг намояндаси Уильям Шекспир мероси мана тўрт асрдирки дунё ҳалқларини ўзига ром қилиб келмоқда. Ватанимиз Ўзбекистонда ҳам Шекспир номи, унинг асарлари маълум ва машҳур бўлиб, китобхон ҳамда томошабин қалбидан чуқур жой олган. Тўғриси, ўзбек драматургияси ва театр санъатини, унинг равнақини Шекспир меросисиз тасаввур қилиш мушкул. Ўтган саксон йил ичida Шекспир яратган шоҳ асарларнинг қарийб барчаси тилимизга ўгирилиб, қатор нашрларда китобхонларимизга тортиқ этилди.

Мустақиллик даврида “Фан” нашриёти Шекспир асарларининг шоир Жамол Камол таржимасида уч жилди “Сайланма”сини⁵ чоп этиб, бу борада яна бир хайрли ишни амалга оширди.

Дарвоқе, Ўзбекистон ҳалқ шоири, таникли таржимон Жамол Камол “Шекспир меросига шунчаки хавас билан қарамади, балки ижодкор сифатида, ўзини унинг руҳий оламига муносабатдош ва ворис деб билди” (Ғ. Саломов, Б. Назаров). Ҳа, шоир Шекспир ижодидан таржима қилишга қўл уришдан олдин унинг меросини қунт билан ўрганди, инглиз адабиёти тарихидан институт талабаларига маъruzalар ўқиди. Жамол ака ўзининг илк тажрибаси бўлган “Макбет” фожиаси таржимасини қўлтиқлаб машҳур актёр Олим Хўжаев хузурига борганини қуидагича эслайди: “Эсимда бор, – дейди шоир. – “Макбет”ни таржима қилиб Олим Хўжаев хузурига олиб бордим. У Шекспир номини ўқибок, кўзлари чарақлаб кетди. Ўрнидан турди, кўллёмзани ўқиб, кўзига сурди. Менинг бироз ажабланиб боққанимга жавобан ҳаяжонланиб: “Ахир бу зот – Шекспир, азиз пиrimiz!... Мен санъатда нимага эришган бўлсанм, шу

кишининг нафасидан, шу кишининг шарофати туфайли эришдим”, деди...

Энди шоир Жамол Камол таржималари ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, ҳар қандай таржима ўз даврининг маҳсули, ватан адабиёти намуналари каби замонасига хизмат қиласи. Агар у ҳақиқий санъат асарига айланган тақдирда асрлар оша яшаб, мумтоз адабиётнинг ёрқин намунаси бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бунга ўзбек таржима адабиёти тарихидан Огаҳий, Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Ғафур Гулом, Миртемир, Мирзакалон Исмоилий, Озод Шарофиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Қодир Мирмуҳамедов, Иброҳим Ғафуров қаламига мансуб таржималарни мисол келтирсак бўлади. Шекспир ижодидан таржима қилиш тажрибаси ҳақида гапирадиган бўлсак, адибнинг “Ҳамлет” (“Hamlet”, 1600-1601) фожиаси дунё тилларига энг кўп ва хўп таржима қилинган асар ҳисобланади. Дарҳақиқат, асарда ўқувчи ва томошабин қалбини жумбушга келтирувчи нуқта – бу Ҳамлет монологидир. Ҳаётда беҳисоб фисқу фужурлар билан тўқнаш келган, борлик ва инсон ҳақидаги соғ тушунчаларга зарба берган аччиқ ҳақиқат қаршисида эсанкираган Ҳамлет олдида “**Ё ҳаёт, ё момот**” масаласи кўндаланг турарди. Аслиятда “To be, or not to be: that is the question” сатрлари билан бошланувчи ҳаяжонли монолог русча таржималарда: “Быть или не быть – таков вопрос” (М. Вронченко, 1829); “Быть или не быть? Вот в чем вопрос!” (А. Кронберг, 1844); “Быть или не быть – таков вопрос” (М. Лозинский, 1933); “Быть или не быть: вот в чем вопрос” (Б. Пастернак, 1940) қабилида қарийб бир хил қолипда ўғирилган бўлса, ўзбек таржимонлари уни турлича кўринишда таржима қилганлар. Монолог Чўлпон таржимасида “**Ё ҳаёт, ё ўлим, масала шунда**”; М. Шайхзода таржимасида эса “Тирик қолмоқ ё ўлмоқ? Шудир масала!” тарзида жаранглайди. Жамол Камол уни “**Ё ҳаёт, ё момот: масала шундоқ**” деб ўғирган.

⁵ Шекспир В. Сайланма. З жилдлик. Тошкент: “Фан” нашриёти, 2007-2008.



Таржималарни аслият билан солиширганимизда, Чўлпон таржимаси русчадаги М.Лозинский нусхасига, М.Шайхзода таржимаси А.Кронеберг матнига якинлиги ойдинлашади. Жамол Камол таржимаси эса асл нусхага монанд ўтирилган кўринади. Ҳамлет монологининг охирги уч мисраси аслиятда қўйидаги кўринишга эга:

... Soft you, now!

The fair Ophelia! – Nymph, in thy orisons

Be all my sing remember'd.

сўзма-сўз таржимаси:

... Жим бўл!

Соҳибжамол Офелия! Нимфа, ўз ибодатларингда

Менинг гуноҳларимни ҳам эслагин.

Рус таржимони М.Лозинский юқоридаги мисраларни шундай таржима қиласди:

... Но тише!

Офелия! – В твоих молитвах, нимфа,

Все, чем я грешен, помяни.

Мақсад Шайхзода бу мисраларни ўзбек тилига мана бундай ўтиради:

... Энди бас, етар!

*Офелия! Қувончим! Гуноҳларимга –
Ўз дуоингда кечирим тила, эй пари!*

Жамол Камол монологнинг бу мисраларини бевосита инглиз тилидан қўйидагича ағдарган:

*Бас, кифоя! Офелия! Эй, гўзал пари,
Бир осийман, дуоингда ёд айла мени.*

Ҳамлет маҳбубаси, соҳибжамол Офелия қархисида, унга қаратса айтиётган ушбу монологида ўзини одамлар ўйлаганидек телба эмаслигини исботламоқ, бунга қаллиғини ҳам ишонтироқ бўлади. Афсус, унинг пурмаъно оташин сўзларининг мағзини чакишга ожиз, фалсафий мушоҳадаларини телба одам сўзига йўяётган Офелияни саросимадан кутқармоқ, тинчлантироқ мақсадида Ҳамлет унга: “Soft you, now!” (“Жим бўл!”); “The fair Ophelia!” (“Соҳибжамол Офелия!”); “Nymph, in thy

orisons / Be all my sing remember'd” (“Нимфа, ўз ибодатларингда менинг гуноҳларимга кечирим тилагин”) деб, мурожаат қиласди. Асл нусха матнида “Ophelia” ва “Nymph” исмлари ёнма-ён келаяпти. Бу ерда Ҳамлет ўз севгилиси Офелияни қадим юон мифологиясидаги худо Зевснинг қизлари бўлмиш Нимфа (“Соҳибжамол, қаллик” маъносида – М.Х.) лардан бирига менгзаб, унга илоҳий гўзаллик ва зукколикни тиламоқда. Сабаби, нимфалар, яъни соҳибжамол гўзаллар табиат қўйнида Аполлон, Дионис ва Артемида каби олийжаноблик тимсоли бўлган худоларга ҳамроҳлик қилишган. Рус таржимонлари (М.Лозинский, Б.Пастернак, М.Морозов) ўз матнларида “Нимфа” номини сақлаб қолишган ва таржима сўнггида унга шарҳ бериб ўтганлар. Афсус, келтирганимиз М.Шайхзода ва Ж.Камол таржималарида бу ном тушириб қолдирилган. Оқибат натижада иккала таржима ҳам аслиятдан бирмунча узоқлашган.

Ёки “Отелло” (“Othello”, 1604) фожиасидаги Отелло монологи ilk сатрларинингFafur Fулом ва Жамол Камол таржималарида кўринишини қиёслайлик. Монолог инглиз тилида қўйидаги мазмунда жаранглайди.

Soft you, a word or two before you go.

I have done the state some service, and they know't.

No more of that...

Шоир Фофур Fулом юқоридаги мисрани асарнинг русча М. Лозинский таржимасидан қўйидагича ўтиради:

Озгина тўхтанг.

Кетар экан, икки оғиз сўзим бор холос.

Венецияга хизмат қилдим – ҳамма билади.

Бу тўғрида шу кифоя.

Шоир Жамол Камол эса уни бевосита инглизчадан таржима қиларкан, аслият мазмуни ва руҳини тўлақонли беришга интилган:

Жиндек сабр қилинглар.



Икки оғиз сўз айтаман кетиши олдидан.

Юртга бир оз хизмат қилдим, бу энди маълум,

Балки айтиши шарт эмасдир.

Биз бу ерда шарқ ва ғарб шеъриятининг билимдони, аллома шоир Фафур Ғулом таржимасини асло камситмоқчи эмасмиз. Шоир ўз таржимасини русчадаги М.Лозинский вариантига яқинлаштиришга уринган. Ваҳоланки, таржимашуносларнинг таъкидлашича, М.Лозинский таржимаси асарнинг мавжуд русча таржималари орасида асл нусхага энг яқини ҳисобланади. Жамол Камол бўлса ўз таржимасини бевосита аслиятдан амалга ошираяпти. Шу боис, унинг таржимасида асл нусха мазмуни тўлақонли ўз ифодасини топган.

Шекспирнинг яна бир шоҳ асари “Ромео ва Жульєтта” (“Romeo and Juliet”, 1597) фожиасидир. Уни рус тилига турли даврда Т.Шчепкина – Куперник ва Б.Пастернак таржима қилган. Ҳар иккала таржима то ҳозирга қадар пешма-пеш нашр қилиниб, театрларда ўйналиб келинади. Фожиани дастлаб ўзбек тилига 1949 йилда Мақсад Шайхзода, орадан қирқ икки йил ўтиб (1991 йил нашр этилган “Отелло” китобида “Ромео ва Жульєтта” таржимаси учрамайди) Жамол Камол таржима қилди. Шайхзода асарни русчадаги Б.Пастернак вариантидан ўзбекчалаштирган бўлиб, таржима жараёнида ўзбек таржимони озарбайжонча Жаъфар Жобборли таржимасидан ҳам фойдаланган, дейишади мунаққидлар. Дарвоқе, профессор Фозила Сулаймонова “шарқ, жумладан ўзбек классик поэзиясини яхши билган, Навоий поэтикаси устида жиддий илмий тадқиқотлар олиб борган шоир ва олим Шайхзода “Ромео ва Жульєтта” трагедияси таржимасида ўтмиш поэзия анъаналаридан баракали фойдаланади”,⁶ деб ёзади. Таржима мувafaққиятли чиққан бўлса-да,

саҳнада у “Отелло” ва “Хамлет” каби шуҳрат қозонолмади. Театршунос М.Рахмонов ва Т.Сильмильштейннинг таъкидлашича режиссёр асар “ғояси ва услубини яхлитлиқда бера олмаган эди”⁷. Яхиси, юқоридаги фикрларнинг нечоғлик ҳақиқатга яқинлигини таржималарни асл нусха матни билан солиширган ҳолатда кузатайлик. Масалан, фожиа финалида Верона ҳокими, шаҳзода Эскал (Escalus, Prince of Verona – Эскалус [лотинча], Верона шаҳзодаси – М.Х.)нинг яқуний сўзи аслиятда шундай жаранглайди:

Prince

A glooming peace this morning with it brings.

The Sun for sorrow will not show his head:

Go hence, to have more talk of these sad things.

Some shall be pardon'd, and some punished.

*For never was a story of more woe
Than this of Juliet and her Romeo.
[The tomb is closed.] Exeunt.*

Энди, юқоридаги мисраларни Б.Пастернак таржимасида келтириб ўтамиш:

Князь

*Сближенье ваше сумраком объято
Сквозь толицу туч не кажет солнце
глаз.*

*Пойдем, обсудим сообща утраты
И обвиним иль оправдаем вас.*

*Но повесть о Ромео и Джульетте
Останется печальнейшей на свете...
Уходята.*

Мақсад Шайхзода бу мисраларни қуидагича ўгиради:

Бек

*Ҳаммангизга тонг келтирди
мотамсаро сулҳ,
Ҳатто қалқмоқ истамайди аламли
қуёши.*

*Юринг, ҳали кенгаши қуриб ўйламоқ
керак –*

⁶ Қаранг: Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент: “Фан”, 1978. 93-бет.

⁷ Рахмонов М., Сильмильштейн Т. Шукур Бурханов. – Тошкент, 1972. с. 115.



Кимга – биздан илтифоту кимларга жазо!

Ромео ва Жульеттанинг қиссасидан ҳам,

Гамли қисса кўрган эмас тарихда олам!

Кетадилар.

Жамол Камол шаҳзода нутқини асл нусхадан бундай таржима қилган:

Бек

Шунинг билан тонг келтирди гамгин осойши,

Гамдан бошин кўтаролмай, қийналар қуёши.

Юринг, гаплашайлик яна, этайлик тайин,

Кимни кечирамиз, кимга бергаймиз жазо.

Ромео ва Жульеттанинг ишқидек, эвоҳ,

Қайгули бир муҳаббатни кўрмамиши дунё!

Кетишади.

Шекспир ўз комедия, трагедия ва хроникаларини қофияли ва қофиясиз оқ шеър шаклида битади. Ҳар икки ҳолатда ҳам унинг мисралари равон ва оҳангдор ўқилади. Ҳатто, манбалардан бизга адаб замондоши, драматург Роберт Грин унинг бу борадаги муваффақиятига рашқ қилсада, тан олгани маълум. Мисол келтирганимиз, юқоридаги мисралар аслиятда аб аб аа кўринишида қофияланиб келинаяпти. Мисралардаги қофиялар ҳолати русча таржималарда ҳам асл нусхага монанд сақланган. Мақсуд Шайхзода таржимасида факат охирги икки мисрада қофия аа тарзида русча ва аслият матнига вобаста келаяпти. Жамол Камол ўз таржимасида факат оқ шеър русумини ишлатиб, қофияларни четлаб ўтгани кўриниб турибди.

Фожиа сўнгидаги, Ромео ва Жульетта жасади қўйилган даҳма ичиди шаҳзода Эскал Монтекки ва Капулетти хонадонини яраштиаркан, мотамсаро нутқининг дастлабки икки мисраси аслиятда:

A glooming peace this morning with it brings.

The Sun for sorrow will not show his head.

яъни, сўзма-сўз таржимада:

Бу тонг ўзи билан олиб келди мотамсаро сулҳ,
Ҳатто ғамдан қуёши бошин кўтаролмас.

маъносини англатади.

Бу мисралар Мақсуд Шайхзода таржимасида аслиятга яқинроқ кўринади:

Ҳаммангизга тонг келтирди мотамсаро сулҳ,
Ҳатто қалқмоқ истамайди аламли қуёши.

Сабаби, Шайхзода бевосита аслиятдан ўгирилган озарбайжонча таржимадан ҳам моҳирона фойдалангани сезилиб турибди. Масалан, русча таржимадаги аслиятга ёт “Сквозь толщу туч” иборасини таржимада тушириб қолдираётгани ҳам бунга гувоҳ. Жамол Камол таржимасида эса иккинчи мисра инглизча матнга монанд жаранглайди.

Шунинг билан тонг келтирди гамгин осойши,

Гамдан бошин кўтаролмай, қийналар қуёши.

Энди, шаҳзода Эскал нутқидаги охирги икки мисранинг таржималарини асл нусха билан солиштириб кўрайлик. Назаримизда бу ерда рус таржимонлари ҳам, ўзбек таржимонлари ҳам сўз ва ибораларнинг аслиядаги маъноларини тўлиқ англаб етмаганлар. Мисраларнинг аслиядаги кўринишига яна бир бор эътибор берайлик.

*For never was a story of more woe
Than this of Juliet and her Romeo.*

Бу мисраларни сўзма-сўз шундай таржима қилиш мумкин:

Жульетта ва унинг Ромеоси қиссасидан

Қайгулироғини кўрган эмас бу олам.

Шекспир фожиани “Ромео ва Жульетта” деб номлагани билан, бутун асар давомида синчков китобхон



Жульеттанинг Ромеога нисбатан фаолроқ ҳаракат қилганини, муҳаббатини ҳимоя этишда доимо ташаббускор бўлганини осонгина фаҳмлаб олади. Шунингдек, воқеалар давомида Жульетта Ромеога қараганда сидқидилдан ҳаракат қиласи, ақлан бирмунча пеш эканлигини ҳам намоён эта боради. Шу боис, муаллиф сўнгги мисрада, кўриб турганимиз “Than this of Juliet and her Romeo” (“Жульетта ва унинг Ромеоси қиссасидан”) қабилида қаҳрамони Жульеттанинг исмини олдинги ўринга олиб чиқади. Шундай экан, русчадаги Б.Пастернак, ўзбекчадаги М.Шайхзода ва Ж.Камол таржималарида ҳам асл нусха мазмуни тўлақонли ифода этилмаган, дейишга ҳақлимиз.

Юқоридаги мисралардан сўнг, аслиятда “The tomb is closed. Exeunt” (“Даҳманинг қопқоғи ёпилади. Кетишади”) гапи мавжуд. Бу гап ҳам таржимонлар назаридан четда қолган. Ваҳоланки, мотамга йиғилганлар воқеа ниҳоясида Ромео ва Жульетта жасади қўйилган “даҳманинг қопқоғини ёпиб”, сўнгра “кетишади”.

То ҳозирга қадар Шекспир асарларининг тилимиздаги нашрларида унинг исми-шарифи “Вильям Шекспир” тарзида транслитерация, яъни харфлар миқдори ва номига монанд ёзилиб келинади. Бу албатта, ўтган асрнинг биринчи яримида адиб асарларининг русча таржималари ва нашрларидан тилимизга кўчиб ўтган эди. Ваҳоланки, Шекспир асарларининг 1957-1960 йилларда чоп этилган “Тўла асарлар тўплами”дан бошлиб рус тилида драматургнинг исми-шарифи “Уильям Шекспир” тарзида асли (William Shakespeare)га монанд талаффузда, яъни транскрипцияда тўғри ёзила бошланди. Афсус, ўзбек тилидаги 1981-1985 йиллар нашр қилинган Шекспир “Танланган асарлар”ида ҳам, 1991 йилда босилиб чиқсан “Отелло” китобида ҳам, ниҳоят қўлимиздаги уч жилдлик “Сайланма”да ҳам муаллифнинг исми-шарифи “Вильям Шекспир” ҳолида ўзгармасдан қолди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир таржима ўз даврининг маҳсулни хисобланади. Зоро, Чўлпон билан Жамол Камол таржималари ўртасида қарийб олтмиш йил,Faфур Ғулом, Мақсад Шайхзода ва Жамол Камол таржималари орасида эса эллик йил масофа – вакт чегараси ётибди. Таржималарни баҳолаганимизда бу “чегарани” хисобга олмоғимиз зарур. Вакт ўтган сари Шекспирдан янги таржималар бунёдга келади. Шекспирнинг ўзи ҳам ўзбек китобхони ва томошабинига янада яқинроқ, янада қадрдонроқ бўла боради. Шекспирнинг “бепоён”лиги ҳам шундадир. Жамол Камол таржималарининг ушбу нашри ҳам шу йўлдаги яна бир қутлуғ қадам бўлиб қолади.

Мустақиллик даври таржимачилигимиз ютуқлари ва истиқболи хусусида гапирадиган бўлсак, аввало таникли адабиётшунос, профессор Наим Каримовнинг шу мавзуда эълон қилган “Адабий алоқа ва бадиий таржиманинг янги уфқлари” мақоласига тўхталиб ўтмоқ зарур, деб ўйлайман. Олим ушбу мақоласига муҳтарам Юртбошимизнинг “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” (2009) рисоласида илгари сурилган ғоя ва тавсиялар замирида ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари ва ўзбек таржимачилиги равнақига назар ташлайди. Айни пайтда муаллиф ўзбек таржима мактаби ва таржимашунослик илмининг қарайиб юз йиллик тарихига тўхталаркан, “Чўлпон, Ойбек, Faфур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаххор, Мирзаколон Исмоилий, Асқад Муҳтор, Қодир Мирмуҳамедов, Мирзиёд Мирзоидов, Миад Ҳакимов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Faфуров сингари моҳир таржимон ва адиллар дунёга келиб, жаҳон адабиёти машҳур намояндalarининг энг яхши асарларини ўзбек маданиятининг бебаҳо мулкига айлантирилар”, деган таърифни келтиради. Яна шу нарса қувонарлики, – дея ёзади муаллиф, – эндилиқда (таъкид



бизники – М.Х.) нафақат рус тилидан, балки бевосита ғарб ва шарқ халқлари тилларидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қила оладиган ижодкорлар авлоди етишиб чиқди. Жумладан, А.Файзулла хинд-урду, А.Кўчибоев – француз, М.Сайдумаров – араб, М.Аъзам ва Б.Шарипов – турк, У.Қўчкор – озарбайжон, Я.Эгамова ва М.Акбаров – немис тилларидан амалга оширган таржималари билан журналхонлар (“Жаҳон адабиёти” – М.Х.) ни “дунё маданияти мероси”дан баҳраманд этмоқдалар”.

Демак, устоз Наим Каримов таъкидлаганидек, “... бадиий таржиманинг кишилар руҳий ҳаётидаги ўрни ғоят катта эканлигини сезмай иложимиз йўқ. Модомики шундай экан, бадиий таржимага алоҳида эътибор бериш, нафақат ўзга тиллардан ўзбек тилига, балки ўзбек тилидан ўзга тилларга хам бадиий асарларни таржима қила биладиган ёшларни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир”.

Таниқли адабиётшунос олим ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг жасорати, машаққатли меҳнати самараси ўлароқ ўзбек китобхони машҳур ирланд адиби Жеймс Жойснинг “Улисс” романини она тилида ўқишига мұяссар бўлди. Роман таржимасининг маданий ҳаётимизда нечоғлик жиддий воқеа бўлганлиги хақида матбуотда А.Саидов, Х.Дўстмуҳаммад, Т.Жўраев каби олимларнинг мақолалари хам эълон қилинди. Шунингдек, инглиз тили мутахассиси, Ўзбекистон Миллий университети докторанти Тохир Умрзоковнинг “Жаҳон адабиёти” (2010, 1-сон) ва “Звезда Востока” (2011, 1-сон) журнallарида “Улисс” романининг русча ва ўзбекча таржималарини аслият билан солиштириб таҳлил қилган мақолалари босилиб чиқди. Мақолаларнинг бирида муаллиф шундай ёзади: “Аслиймонанд таржимага эришиш учун аслият бадиий–эстетик қиммати, икки тил лисоний воситаларининг лугавий мувофиқларни

ҳамда аслият мансуб бўлган халқнинг моддий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ омиллар таржимада тўлақонли акс эттирилиши лозим”. Бу ўринли, айни пайтда амалга оширилиши ўта мушкул талаб. Айниқса, “Улисс”дек мураккаб матнли асарни ҳатто инглиз тилини мукаммал эгаллаган таржимон ҳам аслиятга адекват холатда ўгиришнинг улдасидан чиқолмаса керак. Сабаби, “Улисс” (1922) нашр этилгандан буён у ҳақда юзлаб тадқиқотлар яратилган бўлсада, романнинг туб моҳияти ва мазмуни, услуги ва тили, муаллифнинг маҳорат кирралари ҳақида олимлар яқдил бир фикрга келолмаганлар. Жойс ўз романни ҳақида сўз юритаркан, “очиғини айтсан, матнни бошқотирмалар билан тўлдирдимки, олиму тақризчилар, танқидчи-ю адабиётшунослар умрларининг охиригача излансалар-да, тагига етмасдан, авворайи жаҳон бўлсинлар”, деган эди.

Романни аслиятдан рус тилига ўтирган В.А. Хинкис ва С.С. Хоружий ҳам ўз таржималарини “Улисс”ни таржима қилиш йўлидаги илк уриниш, “уни аслиятга монанд таржима дейишдан йириқмиз”, дея тан олишади. Шу ўринда мақола муаллифининг “изланишларимиз шуни кўрсатдики, рус таржимонлари В.А. Хинкис ва С.С. Хоружийнинг аслият тили мутахассиси эмасликлари туфайли “Улисс” асарининг русча ва ўзбекча таржималарининг аслиймонандлиги ҳақида гапириш ўринли бўлмайди. Рус таржимонлари икки тил лисоний воситаларининг лугавий мувофиқларига эришиш учун талаб қилинадиган компонент таҳлил методидан фойдалана олмаганликлари сабабли русча таржимани ўқиган китобхон кўз олдида “Улисс” асаридаги персонажлар ва улар тимсолида бутун ирланд халқи маънавиятсиз, яъни ичкиликка ружу қўйган ҳамда зинога берилган миллатга айланиб қолган. Бу ҳолат ўзбекча таржимада ҳам маълум даражада акс этган”, деган фикрига тўхталайлик.



Тұғри, мақола муаллифи рус таржимонларини “Улисс” матнини реал аңграб етмаганликда, “компонент таҳлил методидан фойдаланмаганлиги оқибатида таржимада аслиятда мужассамлашган маънони нотүғри талқин қылғанликда” айблайди. Бунга аслият ва таржимадан мисоллар келтириб исботлашга уринади. Ҳатто матнда учровчи биргина “fearful” сўзининг изоҳли лугатларда учровчи етти хил маъносини келтириб, улардан аслиятда қўлланилган “fearful Jesuit” (“буюк иезуит”) маъносини тушуниб етмаган холда, таржимон рус тилига “иезуит несчастный” (“разил шайтон”) қабилида таржима қилиб хатога йўл қўйғанлигини танқид қиласди. Бу каби хатоликлар туфайли “русча ва ўзбекча таржимада аслиятда ифодаланган персонаж нутқ маънавияти ва тил маданиятига маълум даражада путур етган” лигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Муаллиф фикрича, “Улисс”дек мураккаб матнли асарни рус тилига ўғирган таржимонлар “аслият тили мутахассиси бўлмаганликлари сабабли, аслиятдаги тил маданиятини маълум даражада ифодалай олганлар, аммо асар ва асар персонажларининг нутқ маданиятига кучли тарзда путур етказиб қўйғанлар. Шунинг учун бевосита таржимани амалга оширадиган таржимон лингвистик таржима назариялари билан суғорилган аслият тили мутахассиси бўлган филологолим бўлиши максадга мувофиқ”.

Дарвоқе, таржимон В.А. Хинкис (1930-1981) МГУ нинг филология факультетини битирган, узоқ йиллар Гослитиздатда муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатган, Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, инглиз, итальян ва норвег тилларидан кўплаб таржималар қилган. Аммо, бутун умри давомида “Улисс”ни таржима қилиш билан машғул бўлган. Соғлиғи ёмонлашгач яқин дўсти ва маслакдоши, академик С.С. Хоружийга “Улисс” таржимасини якунлаб нашр эттиришни васият қилиб қолдиради. Асли касби физик бўлган С.С. Хоружий (1941 й.

түғ.) фалсафа ва илоҳият соҳасида ҳам машҳур таниқли олимдир. Демак, Хинкис ҳам, Хоружий ҳам лотин, инглиз, итальян тилларини яхши билишган. Шу боис, уларни аслият тилини билмасликда айблаш ноўрин.

Аслида, Жойснинг “Улисс” романи босилиб чиққач Ирландияда ҳам, Англия ва ҳатто АҚШда ҳам уни ўқишини таъқиқлаб қўйишганди. Бутун Европада катта шов-шувга сабаб бўлган бу асарни французлар, итальянлар, руслар ҳатто грузинлар ҳам ўз тилларига таржима қилишга уриниб қўрдилар. Аммо бунинг уддасидан чиқолмай ярим йўлда таржимадан воз кечишиди. Орадан йиллар ўтиб “Улисс” таржимасини якунлаш В.А. Хинкис ва С.С. Хоружийга насиб этди. Романини тилимизга ўгиришни эса моҳир таржимон ва муннақид Иброҳим Ғафуров уддалади.

Мақола муаллифининг таржимонларга эътирози ва талабига бутунлай қўшилиб бўлмайди. Агар биз ҳар бир таржимондан юқоридаги савияни талаб қилгудек бўлсак, у холда фақат аслият тилини мукаммал билган тилшунос олимларгина таржима билан шуғулланмоғи лозим бўлади. Лекин таржима амалиётида бундай олимтаржимонлар бармоқ билан санарли бўлиб, ҳаммаси ҳам юксак таржима асари яратишга ўзини қодир деб ҳисобламайди. Масалан, ўтган асрнинг 40-нчи йилларида Шекспирнинг “Ҳамлет” фожиасини рус тилига Б.Пастернак, М. Лозинский ва М.Морозов каби сўз усталари ўгиришганди. Улар орасида профессор М. Морозов инглиз тилини мукаммал билган шекспиршунос олим эди. Шундай бўлсада, у “Ҳамлет”ни шеърий таржима қилишга журъат этолмади ва асарнинг аслиятга “адекват” прозаик таржима матнини яратди. Орадан кариб етмиш йил ўтган бўлса-да, Б.Пастернак ва М.Лозинский таржималари пешма-пеш чоп этилиб келинмоқда. Тўғриси, Б.Пастернак ҳам, М.Лозинский ҳам инглиз тилини мукаммал билган эмас. Ёки



Б.Пастернак Гёте “Фауст”ини таржима қилганида, М.Лозинский Данте “Илохий комедия”сини ўгираётганида немис ва испан тилларининг билимдони бўлганмидилар. Йўқ, албатта. Улар, аввало, ижодкор, сўз устаси ва маҳорат эгаси эдилар. Шундай ҳолни ўзбек таржимачилигида ҳам учратамиз. Масалан, Эркин Воҳидов немис тилини мукаммал билган тилшунос-олим бўлмаган ҳолатда Гёте “Фауст”ини ўзбек тилига маромига етказиб таржима қилди, Абдулла Орипов итальян тили мутахассиси бўлмаса-да, Данте “Илохий комедияси”ни ўзбек тилига санъаткорона ўгирди. Айни пайтда немис тили мутахассиси, фидойи таржимон ва сўзшунос Поша Али Усмон бир умр Гёте ишқида яшади, умрини “Фауст”ни таржима ва талқин қилишга бахшида этди. Ва ниҳоят, асарни бевосита аслиятдан ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттириди. Бирок, тилшунос-олим “Фауст”нинг ўзбек тилида мукаммал таржимасини яратдим, дея даъво қилмаган ҳолда, ҳамон Эркин Воҳидовнинг таржимонлик даҳоси қаршисида таъзим қиласди. Хулоса, мақола муаллифининг “Улисс” таржимонлари В.А. Хинкис ва С.С. Хоружий ҳамда И.Фафуровни аслият тилини мукаммал билмаганликда, уларнинг лингвист-олим бўлмаганликлари сабабли аслият матнини тушуниб таржима қилолмаганликда айлаши ўринли эмас. Энг муҳими, ҳар учала таржимоннинг “Улисс”дек мураккаб асарни таржима қилишга киришганларининг ўзи катта жасоратдир. Қолаверса, ўзбек тилига Ф.М. Достоевский, Ги де Мопассан, Э. Хемингуэй, Ф. Ницше сингари мураккаб характерли сўз усталари асарларини таржима қилиб ном қозонган ИброҳимFaфуровдан ўзга бирон таржимон ёки адиб “Улисс”ни таржима қилишга журъат тополмади. Яна бир муҳим жиҳати, “Улисс”ни инглиз ва рус тилларида ўқиб, мағзини чақолмаган адабиётшуносаримиз ўзбекча таржимани ўқиб, Жойс ижодининг туб моҳиятини, ундаги новаторлик анъаналарини, “онг оқими” бадиий

услубини тушуниб етадилар, асар хақида, унинг ўзбек адиллари ижодига таъсири хақида эҳтиёткорона фикр-мулоҳаза юритадилар, деган фикрдамиз.

2011 йил “Жаҳон адабиёти”нинг 12-сонида эълон қилинган профессор Акмал Сайдовнинг “Таржимон жасорати” мақоласи ҳам мазмунан, ҳам илман таржимон ва таржимашунослар диққатини тортди. Муаллиф унда буюк немис шоири И.В. Гёте “Фауст” драматик достонининг Эркин Воҳидов таржимаси ва асарнинг ғоявий-бадиий шакли хусусида фикр юритади. Муаллиф таникли адиб ва таржимон Эркин Воҳидовнинг “Фауст” таржимасидаги жасорат ва маҳоратига таъриф бераркан, ёзади: “Шуни айтиш жоизки, Гёте “Самодаги муқаддима”да “Фауст” фожиасининг ғоявий-фалсафий ва поэтик хусусиятларини очиб берган. Эркин Воҳидов “Муқаддима”нинг мавзуси, поэтик киноя ва фалсафий моҳиятини яхши илғаб олган. Шу билан бирга у Борис Пастернакнинг немисча (**русча** – таҳририят хатоси – **М.Х.**) таржимасидан нусха кўчирмайди, балки аслиятга хос бўлган уйғунлик (оҳанг, воқеа ва тарона) ни аниқлаштиради, айни пайтда аслият мазмунига маълум даражада амал қилган ҳолда асарнинг бадиий тилини моҳирона шеърий куйга сола олган” (“Жаҳон адабиёти”, 122-бет).

Тўғри, таржимашунослик илмида Гёте ижоди, “Фауст” фожиасининг Эркин Воҳидов таржимаси хусусида ўнлаб мақола ва диссертациялар ёзилган бўлсада, профессор Акмал Сайдовнинг юкоридаги мақоласи ўзининг фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, теран таҳлил услуби билан сўнгги йиллар ичida шу мавзуда яратилган салмоқли тадқиқот, дейишга арзигулиқдир.

2011 йил таржима назарияси муаммоларига бағишлиланган иккита монография ва иккита кўлланма чоп этилди. Биринчиси, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддинов ва тадқиқотчи Гулноза Одилованинг “Бадиий таржима асослари” (2011) рисоласи бўлиб,



у икки қисмдан иборат. Биринчи қисм “Бадиий таржиманинг назарий аспектлари” (Ш. Сирожиддинов томонидан ёзилган), иккинчи қисм эса “Бадиий таржиманинг амалий аспектлари” (Г. Одилова қаламига мансуб) деб номланган. Биринчи қисмда муаллиф бадиий таржимада эквивалентлик ва адекватлик масаласи, таржиманинг прагматик (ўқувчининг матнга нисбатан муносабати) жиҳатлари, таржимада табдил (трансформация) усуллари ва таржима моделлари хусусида назарий фикр юритади. “Таржима – бир тилда яратилган муайян асарнинг ўзга бир халқ маънавий эҳтиёжига хизмат қилирадиган, ундан бадиий завқ олиши учун имконият яратиб берадиган коммуникатив воситадир, – деб ёзди муаллиф. – Бир тил ичидаги нутқ мулоқоти жараённида муайян матн гапирувчига ҳам, эшитувчига ҳам teng тушунарли бўлганидек, бадиий асар муаллифи ва унинг ўқувчиси ўртасида ҳам ўзаро таъсирланиш нуқтаи назаридан коммуникатив тенглик вужудга келади. Таржима матни ҳам аслият матнiga teng бўлиб, у билан бир яхлитлик тассавурини уйғотиш керак. Шунга биноан, таржима вазифаларидан бири – таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкониятига teng даражадаги бадиий завқ, мазмуний ва мундарижавий (структуравий) уйғун мувозанатни (мувофиқлик) таржима ўқувчисига тақдим этишдир”⁸.

Шу ўринда, муаллиф йирик таржимашунос олимлар Я.И. Рецкер, А.Д. Швейцер, Л.С. Бархударов, В.Н. Комиссаровларнинг лингвистик таржима назарияси хусусидаги фикрларига таяниб, таржимада эквивалентлик ва адекватлилик тамойиллари ҳақида фикр юритади. “Адекват таржима эквивалентликнинг олий даражаси бўлиб, унда аслиятнинг жанрий-стилистик талаблари, барча лисоний ва faiрилисоний (экстралингвистик) омиллар ҳисобга

олинган, максимал даражада ҳиссиёт ва аслият руҳи сақланган бўлади. Ҳар бир адекват таржима, албатта, эквивалент бўлади, аммо ҳар бир эквивалент таржимани адекват деб бўлмайди”⁹. Олим тўғри таъкидлаганидек, таржимада эквивалентлик (муқобиллик) ка эришиш мумкин. Масалан, М.В. Лермонтовнинг “Демон” (У. Носир таржимаси), А.С. Пушкиннинг “Евгений Онегин” (Ойбек таржимаси), У.Шекспирнинг “Ҳамлет” (М. Шайхзода таржимаси), И.В. Гётенинг “Фауст” (Э. Воҳидов таржимаси), Дантенинг “Илоҳий комедия” (А. Орипов таржимаси), Ҳомернинг “Илиада” (Қ. Мирмуҳамедов таржимаси) Э.Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз”, “Алвидо, курол!” (И.Faфуров таржимаси) асарларининг ўзбек тилига ўгирилган таржималарини аслиятга муқобил (эквивалент) таржималар деб баҳолашимиз мумкин. Аммо, бу таржималар нечоғлик маҳорат билан ўгирилган бўлмасин, улар адекватликка даъво қилолмайди. Умуман олганда, жаҳон таржимачилигига ҳам биронта аслиятга адекват таржима асарининг яратилганини билмаймиз. Бадиий таржима амалиётида том маънода адекватликка эришиш, яъни аслиятга “тeng”, “айнан ўхшаш” (“ad-aequo”) таржимани яратиш мумкин бўлмаган ҳолдир.

Рисоланинг иккинчи қисми муаллифи Гулноза Одилова инглиз тили мутахассиси, университетда инглиз тили ва адабиётидан дарс беради, Шекспир сонетларидан таржима килиб алоҳида китобча ҳолида нашр эттирган, инглиз ва ўзбек мумтоз шеърият таржималари тадқики бўйича номзодлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилган. Шу боис, рисоланинг иккинчи қисми шеърият таржимасида маъно ва миллий колоритни бериш, оҳанг, кофия ва вазнни қайта яратишга бағишиланган. Тадқиқот обьекти килиб муаллиф ҳазрат Навоий ғазалларининг инглиз тилига ва Уильям Шекспир сонетларининг ўзбек тилига

⁸ Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. 16-бет.

⁹ Ўша манба, 23-бет.



ўгирилган нусхаларини танлайди. Таҳлил жараёнида у ҳар иккала сўз устаси каломининг таржимадаги талқинини лингвокультурологик (лисоний-маданий) аснода тавсиф қиласди. Рисоланинг иккинчи қисми кўпроқ амалий характерга эга бўлиб, ундан олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура тизимида таҳсил олаётган талабалар, ҳамда тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлар китобни “Бадиий таржима асослари” деб номлар экан, кўйилган сарлавҳа йирик монографик тадқиқот русумини талаб қиласди. Мундарижада ҳам монографияга арзигулик муаммолар кўтарилиган. Бироқ, мундарижадаги йигирмага яқин параграфларда келтирилган муаммовий масалалар ўзининг тўлиқ ечимини топмаган. Тўғриси, 162 сахифалик рисолада кўтарилиган муаммоларни батафсил ёритишга имкон бўлмаган. Шундай экан, Ш. Сирожиддинов ва Г. Одилованинг ушбу китобини “монография” деб аташдан кўра рисола русумидаги тадқиқот десак маъқул бўларди.

2011 йил чоп этилган иккинчи бир “монография” филология фанлари номзоди Нигораҳон Ўрмонованинг “Таржимада тарихий-архаик лексика ва давр рухини акс эттириш”¹⁰, деб номланган. Тўғриси, муаллифнинг ушбу рисоласи у томонидан ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясининг айнан матнидан иборат бўлиб қолган. Ваҳоланки, диссертация ҳимоясидан сўнг унинг муаллифи, расмий оппонентлар ва тақризчилар томонидан билдирилган фикрлар ҳамда эътиrozларни ҳисобга олган ҳолда, диссертация мазмуни ва илмий концепциясини назарий жиҳатдан янада бойитиб нашр қилдирганида, бу хақиқий монография русумига жавоб берарли тадқиқот ҳисобланарди. Шу боис, юқоридаги 128 сахифадан иборат номзодлик

диссертациясининг нашрини монография, деб аташ мақсадга мувофиқ эмас. Уни рисола ёки қўлланма сифатида қабул қилиш мумкин.

Ўша йили Республикамиз илмий даргоҳларида таржима назариясига бағишиланган битта докторлик ва бешта номзодлик диссертацияси тайёрланиб ихтисослашган кенгашларда ҳимоя қилинди.

Масалан, Наманган давлат университети кафедра мудири, доцент Содиков Зоҳиджон Якубжоновичнинг “Юсуф Хос Хожиб “Кутадғу билиг” асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили” мавзуидаги докторлик диссертациясининг асосий мақсади “қадимги туркий обида бўлмиш “Кутадғу билиг” асарининг ҳозирги олмон ва инглиз тилларига таржималарини аслият билан қиёсий таҳлил қилишдан иборат” (Автореферат, 8-бет) бўлиб, асарнинг Қ.Қаюмов амалга оширган ҳозирги ўзбек тилидаги табдили, акад. В.Радловнинг олмонча, Р.Денкоффнинг инглизча таржима нашрлари ушбу тадқиқотнинг объектини ташкил этган (Автореферат, 8-бет). Ваҳоланки, Зоҳиджон Содиков “Кутадғу билиг” асарининг немисча илмий-адабий талқинлари¹¹ мавзусида 1994 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Хулоса шундаки, олим ўзининг номзодлик ва докторлик диссертацияларида бир мавзуни бир хил таҳлил услуби, яъни таржималарни аслият билан қиёсий аснода таҳлил қилишдан нарига ўтмаган. Ҳолбуки, бугунги жаҳон таржимашунослик илмида лингвокультурологик, лингвопоэтик ва лингвопрагматик таҳлил методлари кенг қўлланилмоқда.

Тадқиқотчи З.Я. Содиков ўзининг докторлик диссертациясида акад. В. Радлов ва Р. Денкофф таржималарини мақташ ва коралаш билан чегараланиб қолгани, ишда эса асосан ўтган асрнинг

¹⁰ Ўрмонова Н. Таржимада тарихий-архаик лексика ва давр рухини акс эттириш. Монография. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 128 бет.

¹¹ Содиков З. Юсуф Хос Хожибнинг “Кутадғу билиг” асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари. Филол. фанлари номзоди... дисс.автореферати. – Тошкент, 1994.



70-80 йилларидаги назарий фикрлар устувор бўлиб, сўнгги 10-15 йил ичида гарб ва шарқ олимларининг таржима назарияси борасидаги тадқиқотлари муаллифнинг дикқат-эътиборидан четда қолганлигини кузатамиз. Айни пайтда, диссертация ишида муаллифнинг ўз илмий ва назарий концепцияси кўзга ташланмайди.

Дарҳақиқат, 2005-2012 йиллар ичида ҳимоя қилинган таржима назариясига оид номзодлик диссертацияларининг аксар қисмида ҳам юқоридаги бир хил таҳлил услуги кўзга ташланади. Масалан, Н.Ўрмонова, Р.Ширинова, Ш.Исоқова, В.Маматқосимоваларнинг француз-ўзбек ва ўзбек-француз таржимачилиги муаммоларига бағишлиланган номзодлик диссертацияларида нафакат таҳлил методлари, балки мавзуларнинг бир-бирига ўхшашлигини кузатишими мумкин. Ушбу диссертациялар асосан миллий колорит, тарихий реалия ва архаик сўзларнинг таржимада берилиши таҳлилига бағишлиланган. Ачинарли жиҳати муаллифлар ўтган асрнинг 70-80 йилларида яратилган илмий тадқиқотлардаги таҳлил қолипидан чиқиб кетолмаган. Уларда янгича илмий ёндашув ва таҳлил усуслари кўзга ташланмайди. Бу каби ҳолат сўнгги йилларда инглиз-ўзбек таржима назариясига бағишлиланган Б.Холмирзаев, Н.Дўсбаева, Х.Юсупова, Г.Одилова каби ёш олимларнинг диссертацион тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, эндилиқда: "... бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин – бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда

тутишимиз лозим".¹² Шундай экан, сўнги йилларда таржима амалиётини янада жонлантириш, таржима назариясини дунё илми даражасига кўтариш олим ва таржимонларимиз олдида муҳим масала бўлиб туради.

Шу ўринда, 2007 йил Франциядаги "Жерома" нашриётида ҳазрат Навоий ғазалларининг Жан-Жак Гатье ва Муродхон Эргашев томонидан таржима қилинган китоби муҳим совға бўлди. Ваҳоланки, Алишер Навоий шеъриятидан француз тилига бевосита таржима амалиёти ўтган асрнинг охирида бошланган эди. Ёдимда, 1989-1990 йиллар таникли француз шоир ва ноширлари Анри Делюи ва Жан-Пьер Балп француз тилида ўзбек мумтоз шеърияти антологиясини яратиш мақсадида юртимизга бир неча бор ташриф буюришганди. Бу хайрли ишда ўшандада уларга шоир Ҳамид Исмоилов ва камина ҳамкор бўлган эдик. Натижада, 1990 йил француз тилида ўзбек мумтоз шеърияти антологияси "Ўзбек ғазали"¹³ номи билан чоп қилинди. Орадан бир йил ўтиб, Навоий ҳазратларининг 550 йиллик юбилейига тўёна тарзда "Алишер Навоий. Ғазаллар ва бошқа шеърлар"¹⁴ номли алоҳида китоб нашр этилди. Ўшандада бу нашрга Франция матбуотида ижобий такризлар ҳам босилганди.

Хулоса, ҳазрат Навоий ғазалларининг француз тилига таржималари бевосита ўзбек ва француз ижодкорлари томонидан ҳамкорликда бажарилгани учун ҳам муваффақиятли чиқсан. Шундай бўлса-да бу таржималарни ҳам мукаммал, аслиятга муқобил, деб бўлмайди. Масалан, иккинчи таржима хусусида матбуотимизда илиқ фикрлар айтилди. Улар орасида таржимага одил ва холисона баҳо СамдЧТИ доценти

¹² Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 326.

¹³ Қаранг: Ghazals ouzbeks. – Paris: Action poétique, 1990. – 79 р.

¹⁴ Қаранг: Alisher Navoï. Ghazel et autres poèmes. Traduit du turc et présenté par Hamid Ismaïlov et Jean-Pierre Balpe. – Paris: La Différence, 1991. – 127 р.



Абдимурод Кўчибоевнинг “Ҳазрат Навоий ғазаллари француз тилида” (“Жаҳон адабиёти”, 2010, 2-сон) мақоласида берилди. Олим таъкидлаганидек, “француз китобхони аслият даражасида гўзал ва нафис тилда бўлмаса-да, ҳазрат Навоий ғазалларини ўз она тилида ўқишга, ундан маълум даражада эстетик ва бадиий завқ олишга эришади”. Ҳа, мунаққид тўғри таъкидлаганидек, шеърий асар таржимада ҳам ўзининг аслиятдаги гўзал ва нафис тилини, маъно ва оҳангини саклаб қолмас экан, бундай таржимани бекам-кўст таржима деб бўлмайди.

Ўзбек адабиёти намуналарини ўзимиз ҳам хорижий тилларга таржима қилсак бўлади (А. Алимбеков), дегувчи тезисни маъқуллаган ёш таржимашунос Гулноза Одилованинг мисол тариқасида: “таржимон Динора Султонованинг ўзбек адабиёти (шеърияти – М.Х.)дан инглиз тилига қилган таржималари Америка (АҚШ назарда тутилган бўлса керак – М.Х.)нинг www.poetry.com сайтида рейтингнинг энг юқори ўринларини анча вақт қўлдан бермай келганига гувоҳ бўлганман” деган таърифига тўхтадиган бўлсак, бунинг йўриғи бошқа. У болалигидан рус, ўзбек, тожик тилларини она тилидек ўзлаштирган, инглиз тилини қунт билан ўрганганд, университетни тамомлаган шоиртабиат инсон. Мен билганим, Динора опа қирқ йилдан ошибдики, талабаларга инглиз тилидан сабоқ бериб келади. Ҳали биз талабалик давримизда Пошли Усмондан “Фауст”нинг ўзбек тилига, Динора Султоновадан Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърларининг инглиз тилига ўзлари ўғирган таржималарини тинглаганмиз. Айниқса, Динора опа аудиторияда ҳазрат Навоий ва Захириддин Бобур, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърларини ҳеч бир “шпаргалкасиз” ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўхталмасдан ўқиб, таржималарини аслият билан муқояса таҳлил қилиб кетаверарди. Опа қаторига андижонлик шоира-таржимон Бегойим Холбековани ҳам яқин

кўйишимиз мумкин. Шоиранинг сўнгги йилларда Роберт Бёрнс ижодидан ўзбек тилига ёхуд ўзбек шоирлари ижодидан инглиз тилига қилган таржималари мақтовга лойиқдир. Шундай бўлса-да, тўпламдаги ўзбек шоирлари ижодидан инглиз тилига қилинган таржималарнинг барчасини ҳам аслиятга муқобил, мукаммал таржима, деб баҳолаб бўлмайди. Аксар таржималарда аслиятдаги ўзбекона ташбеҳлар, миллий рух ва оҳанг йўқолганинг шоҳиди бўламиз. Масалан, Ойбекнинг машҳур “Наъматак” шеъридаги биринчи бешлик таржимасига эътиборимизни қаратайлик:

*Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Қуёшга кўтариб бир сават оқ гул,
Виқор-ла ўшишайган қоя лабида,
Нафис чайқалади бир туп наъматак...*

Таржимаси:

*Dances gently a bush of rosehip
The wind sways it on the hill,
A basket of white flowers
Strive for the sun with great will.
Dances gently a bush of rosehip...*

Юқоридаги сатрларда келаётган “нафис чайқалади”, “шамолнинг беланчагида”, “ўшишайган қоя” каби ўзбекона образли ибораларни ўз ҳолича ўзга тилда бериш бирмунча мушкул. Бегойим Холбекованинг ҳам уларни инглиз тилига ўгиришда қийналиб қолгани кўриниб турибди. Натижада, аслиятдаги “Нафис чайқалади бир туп наъматак” мисраси инглизчада “Чиройли раксга тушар бир туп наъматак” маъносида ифодаланган. Қолган образли ташбеҳлар ҳам таржимада ўз аксини тўла топмаган.

Тўпламнинг аннотациясида айтилганидек, таржималарнинг “бадиий пухталиги, ранг-баранглиги ўз йўлига, лекин тўпламнинг яна бир муҳим жиҳати бор: ундан ўрин олган таржималар олийгоҳларнинг хорижий тиллар факультети талабалари учун инглиз адабиёти тарихи, таржима назарияси ва амалиёти фанларини ўрганишда сабоқ вазифасини ҳам ўтайди”, деган фикр



ўринлидир. Чунки, тўпламдан ўрин олган Чўлпон, Ойбек, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ўндан ортиқ шоир шеърларининг таржималари асл нусхаси билан ёнма-ён берилгани ўзбек тилидан инглизчага шеърий таржима амалиётидан талабаларга сабоқ беришда қўл келади. Бундай нашрлар янада кўпайса фойдадан холи бўлмасди.

Энди, ўтган 2012-2013 йилларда чоп этилган таржима назарияси ва амалиётига оид нашрларга тўхталайлик. Тўғриси, ўтган икки йил ичида таржима назариясига бағишиланган жиддий монографик тадқиқот эълон қилинмади. Мавзуга доир бир неча кўлланма ва рисола чоп этилди, холос. Улар орасида таржимон ва таржимашунос олимлар И.Фафуров, О.Мўминов, Н.Қамбаров томонидан ёзилган “Таржима назарияси” (Тошкент: “Тафаккур бўстони”, 2012, 215 бет) ўқув кўлланмасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқни истардик. Муаллифларнинг назарий ва амалий билимлари ҳамда бой тажрибалари асосида яратилган ушбу кўлланма олий ўқув юртлари талабалари ва фан ўқитувчилари учун зарурий манба бўлиб хизмат килади. Кўлланманинг мазмуни ва моҳияти ҳакида профессорлар А.Абдуазизов ва Г.Боқиеванинг ижобий тақризи ҳам эълон қилинди (Қаранг: Ўз АС, 2012, 12 сентябрь).

Дарҳақиқат, кўлланма ўтган асрнинг 70-80 йилларида шаклланган жаҳон таржимашунослик илми назарияси андозасида яратилган бўлиб, муаллифлар ўз фикрларини Ж.Кэтфорд, Ю.Найда, Р.Якобсон, А.Фёдоров, Л.Бархударов, В.Комиссаров, А.Швейцер, Ф.Саломов каби олимларнинг назарий тезисларига таянган ҳолда баён қилганлар. Таҳлил жараёнида муаллифлар манба сифатида Куръони Карим ва Ҳазрат Навоий асарларининг таржималари, буюк рус ёзувчиси Л.Н. Толстой романларининг ўзбек тилига ўғирмаларига мурожаат этишган. Шунингдек, А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор, М.Исмоилий, М.Шайхзода,

Миртемир,

О.Шарофиддинов, Э.Воҳидов, А.Орипов каби етук адилларнинг таржимонлик маҳорати хусусида ҳам сўз юритишган.

Кўлланмада таржиманинг лексик, грамматик ва лингвопоэтик муаммолари хусусида ҳам назарий фикрлар билдириб ўтилган. Аммо, “таржиманинг стилистик жиҳатлари, психолингвистика, этнолингвистика, прагматика, луғат билан ишлаш ва матнга боғлиқ томонлари муаллифлар эътиборидан четга қолган” (А.Абдуазизов, Ф.Боқиева). Ваҳоланки, таржима назариясининг бу жиҳатлари ҳозирда хорижий тилшунослар томонидан чуқур ўрганилмоқда, дарслик ва кўлланмаларда кенг ёритилиб берилмоқда.

2012 йил ёш тадқиқотчи Шукурали Атоевнинг “Немис тилидан ўзбек тилига (таржимада – М.Х.) символик воситаларнинг берилиши” (Тошкент: ТДПУ, 2012, 122 бет) номли рисоласи нашр қилинди. Маълумки, бадиий асар матнида образли ва тасвирий-ифодавий воситалар ҳамда поэтик символларнинг кўлланиши борасида хориж (А.Ф. Лосев, И.Лагутина, Ц.Тодоров, В.Тэннер ва бошқ.) ва ўзбек (Ў.Юсупов, Ш.Турдимов, М.Жўраев, Х.Рахимов ва бошқ.) олимлари томонидан қатор тадқиқотлар яратилган. Аслият матнидаги поэтик символларнинг таржимада сақланиши ҳам муҳим аҳамият касб этса-да, аммо бу масаланинг ечимига бағишиланган назарий тадқиқотлар ўзбек таржимашунослигига яратилган эмасди. Шу жиҳатдан Ш.Атоевнинг ушбу рисоласи таржимашунослик илмида маълум даражада назарий манба бўла олади. Рисолада асосан немис адабиёти намояндалари И.В. Гёте, Ф.Шиллер, С.Цвейг, Г.Манн, ака-ука Гrimmlar асарларида учровчи символларнинг билвосита ва бевосита таржима жараёнида берилиши принциплари кузатилади. Муаллиф дастлаб поэтик символларнинг немис ва ўзбек тилларидағи ҳолатини қиёсий таҳлил ва тавсиф этиб, ишнинг асосий қисмида уларнинг немис тилидан ўзбек тилига таржимада берилишини таҳлил ва тадқиқ этади. Рисолани яратиш



жараёнида муаллиф аниқ мисол ва фактларга таяниб иш тутгани кўриниб турибди. Ҳатто, муаллиф немис тилининг академик лугатларида келтирилган уч мингга яқин символик сўзларни ўрганиб, улардан бадиий асар матнида энг кўп кўлланилган уч юзтага якинини тадқиқот обьекти тарзида таҳлил қилган, уларнинг таржимада берилиш ҳолатларини тўғри баҳолай олган. Шунингдек, муаллиф рисолада юздан ортиқ немис, рус ва ўзбек тилларида чоп қилинган назарий, бадиий манба ва лугатларга мурожаат қиласи. Хулоса, ушбу рисолани 2012 йил таржима назариясига бағишлаб яратилган арзигулик тадқиқот десак муболаға бўлмайди.

Яна бир нашр, таржимашунос Гулноза Одилова ва талаба Умида Маҳмудова томонидан тайёрланган “Ўзбек таржимонлари ва бадиий таржималар” (Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2012. 116-бет) номли ўқув кўлланмадир. Ушбу кўлланма таникли таржимашунос олим, профессор Жуманиёз Шариповнинг 1972 йил нашр қилинган “Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар” китобига қиёсан ёзилган, унинг давомига ўхшаса-да, мазмун жиҳатидан у билан беллаша олмайди, албатта. Жуманиёз Шарипов китобида ўтган асрнинг 70 йилларига қадар қалам тебратган таникли адаб ва таржимонларнинг ижодий портретлари илмий аснода яратилган эди. Юқоридаги кўлланмада эса муаллифлар сўнгги кирқ йил мобайнида таржима амалиёти билан машғул бўлиб келаётган таникли адаб ва таржимонлар ҳамда бир-икки асар таржима қилиб ўқувчи назарига тушган мутаржимлар фаолиятига бир мақомда таъриф берадилар, бир саҳифадан иборат бўлган мақолаларда улар ҳаёти ва ижоди хусусида библиографик маълумот келтириб ўтишади. Афсусланарли томони шундаки, кўлланма тузилиши ва мазмун жиҳатидан бугунги кун олий таълим тизими дастури талабига ҳам жавоб беролмайди. Ваҳоланки, муаллифлар кўлланманинг аннотациясида: “Ушбу китоб бўлажак таржимонларга бадиий

таржима асослари ва назариясининг амалда қўллаш усулларидан баҳраманд бўлишлари учун ёрдамчи қўлланмадир”, дея берган ваъдалари унда ўз ифодасини топмаган.

Кўлланмада таҳлил учун танланган ўн тўққиз таржиманинг факат тўққизтаси инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига ўгирилган асарларни ташкил этади, холос. Кўлланмадаги “Киёсий таҳлилни ўрганамиз” рукнида ёзилган мақолалар ҳам назарий жиҳатдан саёз, мазмунан бўш эканлиги кўзга ташланади. Масалан, кўлланманинг 49-52 саҳифаларида Роберт Бёрнс (Бёрнст эмас – М.Х.) “A Red, Red Rose...” (“A red red rose” эмас – М.Х.) шеърининг Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Али таржимаси таҳлилга тортилган. Ушбу шеърининг Р. Бёрнс асарларининг Лондон нашрида ёзилишига:

O my Love's like a red, red rose,

That's newly sprung in June.

O my Love's like the melody,

That's sweetly play'd in tune.

ёки қадимги инглиз тилидаги нашрлари ҳолатига:

O my Luve's like a red, red rose,

That's newly sprung in June:

O my Luve's like the melody,

That's sweetly play'd in tune.

Эътибор қаратайлик. Кўлланмада муаллифлар инглизча матнни ўзларича “кашф” қилиб ёзишганлари кўзга ташланади. Натижада, Роберт Бёрнс шеърининг аслиятда учинчи хато кўриниши юзага келган.

O, my luve is like a red, red rose,

That's newly sprung in June;

O, my luve is like a melody,

That's sweetly play'd in tune.

Мақола давомида эса, шеърининг моҳир рус шоири ва таржимони Самуил Маршак таржимаси муаллифлар томонидан танқид қилинади. “Мухаммад Али аслиятдан хабарсиз бўлгани учун ҳам, С.Маршак матнига суюнишдан бошқа иложи бўлмаган ва чор-ночор унинг йўлини такрорлаган” (52-бет), деган



асоссиз фикрни илгари сурадилар. Нафсијамбр, Самуил Маршак (1887-1964) ёшлигида инглиз тилини ўрганиш, инглиз ва шотланд шеъриятини таржима қилиш ниятида бирмунча вақт Англияда яшаган, 1912-1914 йилларда Лондон университетида таҳсил олган, халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганган ижодкордир. Кейинчалик, у Уильям Шекспир сонетлари, Роберт Бёрнс баллада ва достонлари, Жон Китс, Уильям Блейк, Уильям Вордсворт, Жорж Байрон шеърларини аслиятдан кўп ва хўп таржима қилгани учун 1949 йил давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Самуил Маршак ўз таржима амалиётида “таржимон шеърият таржимасида муаллифнинг рақибига айланади”, деган ақидага амал қилган. Яъни у аслият руҳи ва мазмунини сақлаган ҳолда ўз таржималарини рус ўқувчиси дидига мос равишда беришга интилган. Шу боис, мунаққидлар “С.Маршак таржималарида аслият руҳияти рус китобхони диди билан уйғунлашиб кетади”, деган тўғри баҳони беришади.

Юқоридаги тўртликнинг С.Маршак ва М.Али таржималарини қиёслайлик.

С.Маршакда:

*Любовь как роза красная
Цветёт в моём саду.
Любовь моя как песенка,
С которой в путь иду.*

М.Алида:

*Севги атиргул янглис
Яшнар менинг қалбимда.
Севги – мен айтар кўшик
Йўлга чиққан чоғимда.*

Бизнингча, ҳар иккала таржимада ҳам аслият мазмуни ва руҳи, ундаги ўйноқи мисралар ўрни сақланиб қолинган. Аслиятдаги бир-икки сўз ва ибора таржималарда тушиб қолган бўлса, бордир.

2012-2013 йилларда Республикализ олий ўкув юртларида ҳам таржима назарияси ва амалиётига бағишиланган бир неча илмий анжуман ўтказилди. Шу ўринда Самарқанд давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон ёзувчилар

уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган “Бадиий таржиманинг лингвопоэтик муаммолари” (Самарқанд, 2012, 23-24 ноябр) илмий-амалий анжумани алоҳида аҳамият касб этади. Дастурда кўрсатилган секцияларда юзга яқин маъруза ва ахборотлар тингланди. Энг муҳими, анжуман ишида таниқли таржимон ва таржимашунослар, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Ёшлик” журналлари вакиллари иштирок этдилар. Институтда нашр қилинган “Ёш таржимонлар” алманахининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу анжуман материалларида 120 номдаги мақола ва тезислар чоп этилган. Бироқ уларнинг барчасини ҳам таржима назарияси ва танқидига бағишиланган деб бўлмайди. Мақола ва тезисларнинг аксар қисми соғлингвистик ва дидактик характерга эга. Айрим мақола ва тезисларда эса аниқ мақсад ёхуд назарий фикрлар мужассам эмас, улар маълумот шаклидаги ахборотга ўхшаб қолган. Бундан чиқди, тўплам таҳrir ҳайъатидаги масъул шахслар: “Тўпламдан ўрин олган мақолалар савияси, улардаги илмий далиллар хаққонийлиги ҳамда мазмун учун муаллифлар масъулдир” дея жавобгарликни ўзларидан соқит қилиб қўя қолишган.

Шу йили таржима илмига доир яна бир анжуман Ўзбекистон Миллий университети хориҷий филология факультетида атоқли таржимашунос олим, профессор Файбулла Саломов (ас-Салом) таваллудининг 80 йиллигига бағишилаб ўтказилди. Ушбу илмий-амалий анжуман материаллари “Таржимашуносликнинг долзарб масалалари” (Тошкент, ЎзМУ, 2012. 248 бет) номи билан нашр қилинди. Факультет декани, доцент Ж.Ш. Жумабоева муҳаррирлигида тайёрланган ушбу тўпламдан ўрин олган 78 муаллиф мақолаларининг асосий қисми таржима назарияси ва таржима танқидининг долзарб муаммоларини ёритишга бағишиланган. Улар мазмунан ва моҳиятан



бирмунча юқори савияда эканлиги кўриниб туради.

Муҳтарам Юртбошимиз бундан саккиз йил бурун ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008) асарида: “Узок йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўкув юртларида таълим олаётган истеъодли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айни пайтда олижаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий–амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди”, деган сўзлари Республикализнинг қатор олий ўкув юртларида малакали таржимон кадрларни тайёрлашда дастуриламал бўлиб хизмат қиласяпти. Шу ўринда, сўнгги йиллар ичида Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган ишлар эътиборга моликдир. “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” дастурида илмий изланиш олиб бораётган институт талабалари, магистрант ва тадқиқочиларининг мақолалари илмий тўпламларда мунтазам эълон қилиниб келинмоқда. 2012 йил институт “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси олимлари томонидан чоп қилинган “Таржима масалалари” (Тошкент: ТошДШИ, 2012. 157 бет) мақолалар тўплами мундарижка ва мазмун жиҳатдан соф илмий-назарий маъно касб этади. Айниқса, тўпламдан ўрин олган “Яқин тиллардан таржима муаммолари” (Э.Очилов), “Своеобразие стиля оригинала и его передача в переводе” (К.Аззамов), “Бадий асар таржимасида табиат тасвирининг берилиши” (Х.Ҳамидов), “Корейская безэквивалентная лексика и особенности её перевода на русский язык” (Е.Ким), “Араб ва ўзбек тилларидаги эквивалент ва муқобил мақолларнинг таржимада берилиши” (Х.Каримов) номли мақолаларда шарқ ҳалқлари адабиётидан ўзбек тилига ва ўзбек адабиётидан шарқ тилларига ўғирилган таржималарнинг

мазмунли таҳлилини кузатамиз. Бир сўз билан айтганда, тўпламдаги барча мақолалар маълум бир мақсадга йўналтирилган, қолаверса таржима амалиётининг маълум бир йўналишини, унинг назарий жиҳатларини ўзида акс эттиргани билан ахамиятлидир.

2013 йилнинг декабрь ойида шу олий ўкув юртида бўлиб ўтган “Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги” мавзусида Республика илмий конференцияси мухим ахамият касб этди. “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий тадқиқот лойиҳаси дастури доирасида ўтказилган ушбу конференцияда “Шарқшунос таржимонларни тайёрлаш – долзарб масала” асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу йилларда Республикализ матбуотида таниқли адаб ва таржимонлар Эркин Воҳидов, Иброҳим Гафуров, Шодмонбек Отабоев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Низом Комилов, Мирпўлат Мирзо, Улугбек Ҳамдам, ёш олимлар Гулноза Одилова ва Алишер Отабоевларнинг таржима амалиёти ва таржима танқиди юзасидан қилган мазмунли сухбат ва мақолалари чоп этилди. Уларда асосан, ижодкорлар ва олимларнинг таржимага бўлган муносабати, таржима учун асар танлаш, ёш таржимон кадрларни тайёрлаш ҳамда таржима танқидига жiddий эътибор қаратиш хусусида билдирган фикрлари буғунги кун учун ўта долзарбдир.

2014 йил ҳам таржима асарлари нашрига бой бўлди. Республикализ нашриётларида Жойснинг “Улисс саргузаштлари”, “Мусаввирнинг ёшлиқдаги сийрати”, Т.Драйзернинг “Бахтиқаро Керри”, Раҳод Нури Гултекиннинг “Оташ кечаси”, Фенимор Купернинг “Чингачкук фожиаси”, А.Дюманинг “Граф Монте-Кристо”, И.Ильф ва Петровнинг “Ўн икки стул”, Чейз Хейлининг “Оқшом хабарлари”, Пауло Коэлонинг “Алкимёгар”, Ж.Верннинг “Ўн беш ёшли капитан” каби



романлари, хинд эпоси “Панчатаんだ”, Гётенинг “Фауст” фожиаси таржималари қайта чоп этилди. Турли даврларда ўзбек тилига ўгирилган жаҳон адабиётининг бу номдор асарлари китоб дўконлари пештахтасидан жой олди. Шу ўринда, “Ўзбекистон” нашриётида “Жаҳон шеърияти дурданалари” рукнида адабиётшунос олим Эргаш Очилов томонидан нашрга тайёрланиб чоп қилинаётган сержило муқовали “чўнтак китоб” (франц. “Le livre de poche”)ларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқни истардим. Бу серияда Шекспир, Байрон, Румий, Гарсиа Лорка каби бир қатор адиллар ижодидан намуналар китобча ҳолида чоп қилинди. Ушбу нашрлар хусусида ижобий ва салбий фикрлар билдирилди. Ижобий томони, бугунги ўқувчини дунё адабиётининг номдор асарлари билан қайтадан танишириш, унтуилаёзган таржима асарларини бугунги ўқувчи ёдига солиш бўлса, салбий жиҳати ўтган даврларда катта меҳнат эвазига амалга оширилган таржималарни қисқартирган ҳолда, тўмтоқ мазмунда ўқувчига ҳавола қилишда кўринади.

Менимча, “Жаҳон шеърияти дурданалари” рукнида чиқаётган китобчалар хусусидаги бу икки фикрда жон бор. Мана, қўлимда Лорканинг Шавкат Раҳмон таржима қилган ва тартиб берган “Энг қайғули шодлик” (Т., 1989. 382 бет) китоби ва Эргаш Очилов тартиб берган “Ой тўлишган кечада” (Т., 2014. 189 бет) китобчаси турибди. Ёдимда, ўтган асрнинг 80-йиллари охири, қайта қуриш деб аталган даврда Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Мухаммад Раҳмон каби шоирлар ғарб ва шарқ шеъриятидаги авангارد оқимларга катта қизиқиш билан қараб, верлибр ва ҳакку қолипида шеърларни тилимизга таржима қилишга ва ўzlари ҳам шу йўлда шеърлар машқ қилишганди. Шавкат Раҳмон айниқса испан ва француз шеъриятига катта қизиқиш билан қаарди. Биз, шоир Ҳамид Исмоилов билан бирга юкоридаги қаламкаш дўстларимиз

ижодидан француз тилига таржималар қилганимизда Шавкат ўз шеърларини француз шоирлари Анри Делюи ва Жан-Пьер Балп қаршисида маъноли ўқиб беришга ҳаракат қилгани, француз верлибрини анча ўзлаштириб олгани ва бу борада француз шоирлари билан қизгин баҳс юритгани ҳам ёдимда. Шу боис, Шавкат Раҳмон шеърлари французча верлибр қолипига монанд равиша ўгирилди ва француз ўқувчиларига ҳам маъқул келганди.¹⁵

Энди, Шавкат Раҳмоннинг Лоркадан қилган таржималари хусусида гапирадиган бўлсак, у ўша йиллари испан шоирини ўзига кашф қилганди, унинг ижодини дастлаб русча манбалардан ўгириди, кейинчалик испан тилини ўрганиб ва таржималарини аслият билан солиштирган ҳолда қайта таржима қилди. Ва ниҳоят, 1989 йил Лорканинг рус тилидаги академик нашрига беллаша оладиган ўзбек тилида ҳам мукаммал таржима нашрини тайёрлаб чоп эттириди¹⁶. Шавкат китобга Лорка шеъриятининг гултожи ҳисобланмиш “Лўли романсероси” (Romancero Gitano. 1924-1927) туркимида кирган шеърлари мазмунига монанд “Энг қайғули қўшиқ” номини танлаганди. Эргаш Очилов эса нима сабабдан китобга “Ой тўлишган кеча” деб ном бераяти. Бу номли шеър Лорка тўпламларида учрамайди. Тўғри, Лоркада “Ой қўшиқлари” туркими мавжуд. Туркумнинг биринчи қўшиғи “Ой чиққанда” деб номланган Эргаш Очилов шу қўшиқнинг тўртинчи мисрасидаги “Ой тўлишган кечада...” сатрини нимагадир китобга сарлавҳа тарзида танлаган. Ваҳоланки, шоир-таржимон танлаган биринчи ном кейинги нашрда ҳам қолиши зарур эди. Сабаби, Лорка шеърияти Шавкат Раҳмон таржимасида ўзбек ўқувчисига маълум ва маъқул бўлиб қолган. Иккинчи нашрга ёзилган сўзбоши

¹⁵ Федерико Гарсиа Лорка. Энг қайғули шодлик. Шеърлар ва достон. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 327 бет.



(“Сўзнинг сурати ва сийрати”, 3-10 бетлар) ҳам китоб мазмуни ва шоир маҳоратини очиб беролмаган. Яхшиси, Шавкатнинг ўзи ёзган сўзбоши (“Таржимондан”) киритилганида маъқул бўларди. Хулоса, Шекспир, Шиллер, Гёте, Бальзик, Байрон, Лорка каби буюк адиллар асарларининг моҳир таржимонлар яратган нусхаларини ўзимизча ўзгартириб қайта нашр қиласверишимиз ноқулай эмасмикин, ўқувчини чалғитмасмикин.

Ўтган 2014 йилда “Жаҳон адабиёти” журналида ҳам дунё адабиётидан кўплаб асарлар таржима қилиниб чоп этилди. Шу ўринда журналнинг наср, шеърият минтақалари, драма руқунларида ўтган йили машхур америка ёзувчиси Теодор Драйзернинг “Сармоядор”, инглиз адаби Жейн Остиннинг “Андиша ва ғуур”, Фридрих Клингернинг “Фауст ҳаёти”, немис ёзувчиси Патрик Зюскинднинг “Ифор”, голланд адаби Вилли Корсаннинг “Мангу изтироб”, хитой адаби Мо Яннинг “Мусаллас мамлакати” романлари, Арно Гайгернинг “Қувғундаги кекса қирол” қиссаси, Грэм Гриннинг “Форатгар мактублар”, Гогольнинг “Тентакнинг ёзишмалари” қиссаларининг таржималари босилди. Юқоридаги таржималар орасида Драйзернинг “Сармоядор”, Жейн Остиннинг “Андиша ва ғуур”, Мо Яннинг “Мусаллас мамлакати” романлари ўқувчиларда, айниқса талаба ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Сабаби, Республикализ олий ўкув юртларининг хорижий тиллар факультетларида инглиз ва хитой тилларини ўрганаётган талabalарда бу таржималарга қизиқиш катта бўлди. Масалан, мен бу ҳолатни Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Жиззах давлат педагогика институти хорижий тиллар факультетида таҳсил олаётган талabalар мисолида кузатганман. Улар “Жаҳон адабиёти” журналининг ҳар сонини иштиёқ билан кутишади. Қолаверса, XX аср АҚШ адабиётида реалистик роман жанри уч буюк адаб Драйзер, Жек Лондон, Синклер Льюис

ижодида юқори погонага кўтарилган эди. Улар асарларида ўтган аср Америка ҳаёти бутун борлиги билан намоён бўлганини кузатамиз. Афсус, бу романислар ижоди, асарларининг тилимизга ўгирилган таржималари ҳақида тақризлар ёзмаган, илмий тадқиқотлар ҳалигача яратилган эмас. Таниқли таржимон Амир Файзулла томонидан катта меҳнат эвазига ўгирилган “Сармоядор” романни ва унинг муаллифи хусусида журналда каттароқ бир мақола берилиши лозим эди. Жейн Остин ва унинг романни ҳақида ҳам шу каби мазмундор мақола ёзилиши зарур эди.

Хитой ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Мо Ян ижоди атрофида сўнгги икки йил ичида анча шов-шувлар бўлди. У қандай ёзувчи, нияти нима, асарлари нега тўсатдан машхур бўлиб кетди ва ҳоказо саволлар ижодкорлар сұхбатидан ўрин олди. Масалан, истъедодли ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам сұхбатларидан бирида шундай фикр билдирган эди: “Мисол учун, яқинда Нобель мукофотини олган хитой ёзувчиси Мо Ян асарларини олайлик. Унга нега, қандай хизматлари учун мукофот берилди, деган саволга тезроқ жавоб топгимиз келади. Жаҳон ОАВнинг шов-шувлари ўз йўлига, биз ўз кўзимиз билан ўқиб, ўз ақлимиз орқали мушоҳада қилиб кўришни истаймиз. Лекин хитой тилини мукаммал биладиган ва уни шундай даражада ўзбекчалаштира оладиган бирор моҳир таржимонни, масалалан, мен билмайман”.

Улуғбек Ҳамдам ушбу сұхбатида таклиф қилганидек хитойча ва ўзбекчани яхши биладиган ёш таржимон Севара Алижонова ва тажрибали мутаржим Амир Файзулла романни ҳамкорликда таржима қилишди. Таржима “Жаҳон адабиёти” журналининг ўтган йилги сонларида эълон қилинди. Роман ҳақида таниқли адаб ва олим Хуршид Дўстмуҳаммаднинг каттагина мақоласи (“Разолат салтанатига саёҳат”) ҳам берилди. Бу таржима журнал фаолиятида бир қадар илгари силжиш бўлди, десак арзийди. Бу ерда ҳар иккала таржимон ҳам teng меҳнат қилгани



кўриниб турибди. Бу ўзбек таржимачилиги тарихида янглик, аслията янгича ёндашув ёки тажриба бўлди. Журналнинг жамоатчилик кенгаши йигилишида бу тажриба (хитой ва рус тилидан таржима дейилгани учун) танқид ҳам қилинди. Нима бўлганди ҳам “Мусаллас мамлакати” романи ўзбекчага таржима қилинди, у ҳақидаги мақолалар билан ўзбек ўқувчисига тақдим этилди.

Журнал ўтган 2014 йил жаҳон адабиётининг драма жанридан таржимага ҳам алоҳида эътибор берди. Абсурд театрининг етакчи вакили Сэмюэл Беккетнинг “Годони кутиш” пьесаси Жаббор Эшонқул тамонидан ўзбек тилига ўғирилиб, журналда босилди. Шунингдек, журналда грузин ёзувчиси Лаша Табукашвилиниң “Ҳаёлат дардида” пьесаси М.Хайруллаев таржимасида, Александр Дударевнинг “Чиқиндиҳона” пьесаси Шароф Бошбеков, Жон Стейнбекнинг “Одамлар ва сичқонлар” пьесаси Абдулаҳад Абдуллаев, Эдуардо де Флиппонинг “Неаполь-миллионерлар шахри” комедияси Усмон Азим таржимасида босилди. Тўғри, юқоридаги драмаларнинг барчаси уларнинг рус тилидаги таржима нусхаларидан тилимизга ўғирилган. Бу таржималарнинг ижобий томони, улар таникли адибларимиз тарафидан амалга оширилганидир. Таржималарнинг мукаммал чиққанлиги ҳам шундандир. Демак, таржима амалиётида биз ҳали рус тилининг воситачилигига муҳтоҷмиз. Бу тажрибани давом эттиришимизга ҳамон зарурат бор экан, таҳририят таникли адибларимизни таржимонликка жалб этиб тўғри қилган.

Маълумки, XX аср ғарб драматургиясида асосан уч йўналишдаги театр, яъни Бертольд Брехтнинг “эпик (халқ) театри”, Бернард Шоунинг “интеллектуал театри” ва С.Беккетнинг “абсурд театри” етакчилик қилганди. Ўтган асрнинг 50-йилларида Францияда майдонга келган “абсурд драма” жанри шу номдаги театрга асос солди. Бу жанрнинг

машҳур вакиллари С.Беккет, Э.Ионеско, А.Адамовлар ўз асарларида дунёни хаос тарзида тасвирлаш билан ўз даври кишиларидағи пессимистик кайфиятни, маънисиз турмуш тарзини, мақсадсиз ҳаракат ва кишилар нутқидаги маъносиз тумтароқликни кўрсатиб беришга ҳаракат қиласидар. Беккетнинг машҳур “Годони кутиш” пьесаси ҳам шу асосда курилган саҳна асаридир. Пьесада воқеалар маънисиз бўлса-да “у ғарб кишисининг руҳий дунёсини очиб беради, яъни одамнинг ҳаёти номаълум ва ҳеч қачон ташриф буюрмайдиган Годони кутиш каби бемаънидир” (Н.Эшонқул). Жаббор Эшонқул таржимасида пьеса ўзбек тилида ҳам маъноли чиққан. Пьесанинг номи “Годони кутиб” (“En attendant Godo”) тарзида таржима қилинганида асилиятга янада яқин бўларди. Назар Эшонқулнинг “Ўзини ўрганаётган одам” мақоласининг журналда берилиши асарни тушунишда ўқувчига катта ёрдам беради албатта.

“Шеърият минтақалари” рукнида немис шоири Йоханн Вольфганг Гёте ижодидан бир туркум шеърлар халқ ёзувчиси Мухаммад Али таржимасида, Анна Ахматова ва Ҳайнрих Ҳайненинг туркум шеърлари Абдулла Шер таржимасида эълон қилинди. Шунингдек, ушбу рукнда А.Пушкин, Х.Дехлавий ва озор шоири Рамз Равшан шеърлари Н.Бердиев, Олим Бўри ва Хосият Рустамова таржималарида босилди. Бу таржималар хусусида, айниқса халқ шоири Мухаммад Али ва иқтидорли шоира Хосият Рустамова таржималари ҳақида уюшманинг адабий алоқа ва бадиий таржима бўлимининг ҳисобот йигилишида ижобий фикрлар билдирилди.

2014 йил чоп қилинган яна бир нашр – таникли инглиз драматурги Жон Драйден қаламига мансуб “Аврангзеб” трагедияси (Тошкент: “Наврӯз” нашриёти, 2014. – 274 б.) таржимаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Инглиз адабиётида классицизм драматургиясининг асосчиси Жон Драйден (John Dryden, 1631-1700) ўз ватандошлари Марло ва Шекспир изидан



бориб, классик трагедия жанрида ижод қиласкан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи тарихи мавзусига қўл уради ва 1675 йил ўзининг “Аврангзеб” (“Avrang-Zebe”) трагедиясини яратади. Жон Драйденнинг ушбу трагедияси хусусида илк маълумот 2007 йил “Жаҳон адабиёти” (б-сон) журналида берилган эди. Қарши давлат университети инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси Дилафрӯз Очилова Англия сафарида бўлганида ушбу трагедиянинг асл нусхасини топиб, ўзи билан олиб келди. Икки йил давомида у фожиани инглиз тилидан (асар рус тилига таржима қилинмаган – М.Х.) ўзбекчага ўғирди. Таржима якунлангач, уни ҳиндшунос олим ва таржимон Амир Файзулла ўқиб, унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ёзма тақриз ҳам берди. У ўз тақризида унга “тагламатаржима”, дея баҳо бераркан таржимани асл нусха билан ёнма-ён бир китоб ҳолида нашр қилишни маслаҳат берганди. Хуллас, Драйденнинг “Аврангзеб” фожиаси инглизча матни ва ўзбекча таржимаси билан ёнма-ён китоб ҳолида нашр этилди. Бу нашрдан ҳозирда инглиз тилини ўрганаётган хорижий тиллар ва таржимонлик факультетлари талабалари кўлланма тарзида ҳам фойдаланишмоқда.

2015 йил ҳам таржима асарлари нашрига бой йил бўлди. Шу ўринда “Янги аср авлоди” нашриёти жаҳон адабиёти дурдоналари хисобланган ўнлаб асарларнинг таржималарини чиройли муқоваларда қайтадан нашр қилгани мақтовга лойикдир.

Ваҳоланки, юқоридаги айrim таржималарнинг илк нашрлари ўтган асрнинг 70-80 йилларида амалга оширилган бўлиб, бугун уларни факат кутубхоналардан топиб ўқиш мумкин эди. Масалан, машҳур француз адиби Антуан де Сент-Экзюпери қаламига мансуб “Кичикина Шаҳзода” асарининг ёзувчи Хайриддин Султонов томонидан бажарилган таржимаси (ушбу аср 1963 йил М.Умаров тарафидан илк бор таржима қилиниб, китобча ҳолида чоп қилинган

бўлса-да, ўқувчилар даврасида шухрат қозонолмаганди – М.Х.) дастлаб 1986 китоб ҳолида нашр қилингач катта-ю кичик китобхон назарига тушганда. Асар 1988 йил яна бир бор қайта нашр қилинди. “Кичик Шаҳзода” эртаги (французча нашрдаги “conte” сўзи эртакдан кўра қисса ёки жажжи роман жанрига мос келади. Масалан, машҳур файласуф адиб Вольтернинг “Задиг”, “Кандид” асарлари ҳам француз тилида “conte” деб юритилади – М.Х.)нинг ўзбек тилидаги таржималарини аслият ва русча таржима матнлари билан солишириб, тахлил қилган мақолалар, ёзувчи ижодига бағишлиланган тадқиқотлар ҳам ёзилган. Ва ниҳоят, “Янги аср авлоди” нашриётининг асарни қайта чоп қилгани ўқувчиларга катта тухфа бўлди. Профессор Акмал Сайдовнинг китобга ёзган ўн саккиз саҳифалик сўзбоши ўрнидаги мақоласи ўқувчини ёзувчи ҳаёти ва ижоди билан янада яқиндан танишитиради.

Ўтган йили яна бир нашриёт – “Davr press” нашриёт-матбаа уйи ҳам таржима асарларини чоп этишга киришиб, хайрли ишга қўл урди. Нашриёт “Дунё адабиёти ҳазинасидан” туркумida таникли хитой ёзувчиси Лао Шэнинг “Мушуклар шаҳри хотиралари” номли машҳур роман-памфлетини Эркин Эрназаров таржимасида чиройли муқовада чоп этди. Ўзбек китобхони сўнгги ўн беш йил орасида хитой адабиётидан, Нобель мукофати совриндорлари Гао Синцзян ва Мо Янь асарлари билан танишган бўлса, энди хитой адабиёти класиги Лао Шэнинг “Мушуклар шаҳри хотиралари” романи ва адиб ҳикматлари таржималарини она тилида ўқишига муяссар бўлди. Профессор Акмал Сайдовнинг китобга ёзган кенг маъноли сўзбошиси адиб ҳаёти ва ижоди билан китобхонни яқиндан танишитиради. “Davr press” нашриёт-матбаа уйи чоп этган иккинчи чиройли муқовали китоб Франц Кафканинг “Ота ҳукми” (Das Urteil) ҳикояси номи билан юритилади. Китоб мундаражасидан ёзувчининг ўзбек тилига таржима қилинган ўнта ҳикояси, икки



мактуби (“Отамга хат”, “Миленага мактублар”) ва ҳикматлари ўрин олган. Бу нашрга ҳам профессор Акмал Саидов мазмундор сўзбоши (“Франц Кафка – телба дунёнинг даҳоси”) ёзган.

2015 йилда “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдизи”, “Ёшлик” журналлари ва “Китоб дунёси”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарида ҳам бир қатор асарларнинг таржималар босилиб чиқди. Масалан, “Жаҳон адабиёти” журнали ўзининг дастлабки сонларида инглиз танқидий реализм адабиётининг йирик вакили Чарлз Диккенснинг “Катта умидлар” (Great expectations, 1860) ва француз романтизм адабиёти намояндаси Жорж Санднинг “Индиана” (Indiana, 1832) романларининг таржималарини эълон қилди. Биринчи роман таржимони ўз таржимасини “инглиз ва рус тилларидан таржима” дея таъкидлаган. Таржимашунослар даврасида “Бу қанақаси бўлди? Асарни икки тилдан бирваракайига таржима қилиш мумкинми”, деган гап-сўзлар ҳам бўлди. Мен, таржимон ва мунаққид Шоазим Миноваровни кўпдан танийман. У ўтган йиллар давомида машҳур француз адиларидан Шарль Перронинг “Она гоз эртаклари”, Франсуа Мориакнинг “Илонлар чангалида”, Монтескьенинг “Форс номалари” (ҳамкорликда), Ле Клезионинг “Мондо ва бошқа хикоялар” китобларини ва Мопассан ҳикояларини бевосита француз тилидан ўзбекчага ўгирган малакали таржимонлардан. Шунингдек, у таниқли адабимиз Эркин Аъзамнинг “Шовқин” романи ва ҳикояларини ўзбек тилидан французчага бевосита таржима қилди ва бу таржималар алоҳида китоб ҳолида нашр этилиб, Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида тақдимоти бўлиб ўтди. Шоазим Миноваров француз тилини мукаммал билувчи, ҳавас қилса арзигулик зиёлиларимиздан. Диккенснинг “Катта умидлар” романи таржимасига келсақ, мутаржим инглиз тилини ҳали француз тилидек мукаммал ўрганмаганлиги сабабли таржима жараёнида русча

таржима матнидан ҳам фойдаланган ва буни ошкор айтганини тўғри қабул қилмоқ лозим.

“Индиана” романини ўзбекчага ўгирган Юсуф Хушвақтов бундан бешолти йил бурун таржимасини кўтариб “Жаҳон адабиёти” журналига келганда Амир Файзулла ва Файзи Шоисмоил каби малакали таржимонларга дуч келди ва уларнинг маслаҳатларини олиб, матнини қайта-қайта ишлади. Нихоят таржима журналда босилди.

Жорж Санд ҳаёти ва ижоди француз адабиёти тарихида муҳим ўрин тутади. У ҳаётда бироз чапани, ўзига ишонган, эркаклар (бу ерда О. де Бальзак, А. де Мюссе, В. Гюго, А. Дюма, Шопен ва бошқа буюк ижодкорларни кўзда тутаяпман – М.Х.) даврасида эркакча кийиниб, улар билан талашиб-тортишиб ижод қилган санъаткор. У ўзини доим мадам де Сталга менгзарди. Бу бежиз эмас албатта. Жорж Санд ҳам де Сталь каби деярли барча асарларида ўз эрки ва адолат учун курашган аёллар қиёфасини яратди, уларни улуғлади. У яратган “Индиана”, “Валентино”, “Консуэла”, “Мопра” каби романлар Европада “аёл прозаси”нинг етук асарлари ҳисобланади. Машҳур беллетрист ёзувчи Андре Моруанинг “Лилия ёки Жорж Санд ҳаёти” романини ўқиган китобхон адиба ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишади.

“Индиана” романи таржимаси хусусида гапирадиган бўлсак, асар ўзбек тилида ҳам ўқимишли чиқкан. Аммо таржима матни қайта-қайта таҳrir қилинавергани учунми кўп ҳолатларда аслиятдан узоқлашиб кетгани, айrim ҳолларда ёзувчи услугуга птур етгани ҳам кўзга ташланади. Келгусида таржима ҳақида такриз ва мақолалар ёзилажагига умид қиласиз. Журнал ўзининг охирги икки сонида америкалик романнавис Гарольд Роббинснинг “Мени ташлаб кетма” романини Лола Шоимова таржимасида эълон қилиб, яна бир машҳур ёзувчи номини ўзбек ўқувчисига таништириди.



“Китоб дунёси” газетаси ҳам дунё адабиётидан ўгирилган таржималарни мунтазам эълон қилиб келди. Бу билан бизга номаълум бўлган кўплаб адибларни газетахонларимизга кашф этди. Айни пайтда газета ёш таржимонлар малакасини оширувчи мактаб ҳам бўлаётгани бизни қувонтиради. Масалан газета саҳифаларида Бегойим Холбекова, Ойбек Остонов, Қандилат Юсупова, Шахноза Қувонова, Шаҳло Облокулова каби иқтидорли таржимонларнинг тез-тез чиқиб туришлари таржимадан таржимага улар маҳоратининг ошиб бораётганидан дарак бергаётir.

Энди икки оғиз сўз таржима назарияси ва таржима танқидининг бугунги аҳволи ҳақида. Назаримда, сўнгги йилларда таржима назарияси амалиётдан узоклашиб бораётгандек, таржима танқиди эса орқада қолаётгандек кўринади. Ўтган йили “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси уюштирган давра сухбатларида, Жиззах Давлат педагогика институтида бўлиб ўтган “Бадиий таржима: амалиёт, назария ва танқид” илмий семинарида ИброҳимFaфуров, Абдулла Шер, Миргўлат Мирзо, Амир Файзулла, Мирзаали Акбаров, Адҳамбек Алимбеков, Сувон Мели, Шавкат Каримов, Янглиш Эгамова, Хуррам Рахимов, Зухриддин Исломиддинов, Робияжон Абдуллаева, Абдумурод Кўчибоев каби таниқли таржимонлар, адабиётшунос, тишлишунос ва таржимашунос олимлар иштирок этиб бу хусусида куюниб гапирдилар. Айниқса таржима танқидини йўлга қўйиш бош мавзу тарзида муҳокама марказида бўлди.

Тўғри, назария бўлмаган жойда амалиёт ривожланмайди, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тўлдириб боради. Таъбир жоиз бўлса, назария билан куролланмаган таржимон мукаммал таржима яратса олмайди. Буни биз И.Фафуров, А.Файзулла, А.Шер, М.Акбаров, Я.Эгамова каби моҳир таржимонларимиз ижоди мисолида кузатишимиш мумкин.

Таржима назариясининг соғлингвистик муаммолари хусусида гапирадиган бўлсан, ўтган йили Ўзбекистон Миллий унверситети ва Андижон Давлат унверситетида бўлиб ўтган илмий анжуманларда юзлаб таниқли олимлар, мустақил илмий тадқиқотчилар ва магистрантлар ўз маъruzalari билан иштирок этдилар. Уларда асосан замонавий таржимашуносликнинг долзарб масалалари соғ назарий планда тадқиқ қилинганини кузатамиз.

Шунингдек 2015 йилнинг декабрь ойида Андижон Давлат унверситетида бўлиб ўтган “Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультуралогик аспектлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманида 135 та маъруза тингланди. Тан олиб айтиш керакки, анжуманда ўқилган маъruzalarning аксари қисмида ғарб ва рус тишлишунослиги ва таржимашунослиги назариясига таянилган фикрлар ва тезислар асосий ўринни эгаллайди. Уларда бадиий таржима амалиёти ва танқидига оид фикрлар камдан-кам муҳокама қилинганини кузатамиз.

Афсусланарли томони, ушбу анжуман ишида “Ёзувчилар уюшмаси адабий алоқалар ва бадиий таржима бўлими”, “Жаҳон адабиёти” журнали таҳририятидан ҳеч ким иштирок этмади. Дарҳақиқат, И.Фафуров, Н.Комилов, А.Файзулла, А.Шер, М.Мирзо, М.Акбаров, Я.Эгамова каби таниқли таржимонлар таклиф қилинмагани ҳам назария ва амалиёт ўртасида узулиш ҳосил бўлганидан дарак беради. Амалиёт ва назария ўртасидаги узилиш эса таржима танқидига ҳам салбий таъсир кўрсатаётir.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон адабиётиниг энг сара асарлари тилимизга ўгирилиб, ўз ўқувчисини топмоқда. Ниятимиз, бу таржималар таржима танқиди ва назарияси илмида ҳам ўз ўрнини топса, амалиёт, назария ва танқид бир мақсаддаги йўлида хизмат қилса нур устига аъло нур бўлар эди.



Холбеков М. Перевод и переводование в Узбекистане. Статья содержит сведения о развитии перевода и переводоведения в Узбекистане и работе теоретиков перевода, а так же общую информацию о художественном переводе в Республики.

Xolbekov M. Translation and translation studies in Uzbekistan. The article contains information about the development of translation and interpretation in Uzbekistan and the works devoted to the developing of translation in the Republic.
